4 АПР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 78 (20. 645) • 1990 йил 3 апрель, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР Президентининг Литва ССР халқига мурожаатномаси

Литва ССРнинг муҳтарам гражданлари!

Мен мамлакат учун оғир дамда сизларга мурожаат қиляпман. Литва ССР Олий Советининг шу йил 11 мартдаги қарорлари бизларнинг ҳаммамизни ларзага солди. Литванинг ҳозирги раҳбарияти республиканинг Совет Иттифоқи билан алоқасини тўсатдан узишга уринаётганлиги, у танлаган бир томонлама ва шартлар қўйилган хатти-ҳаракатлар республикадаги барча халқларнинг — литваликлар ва литвалик бўлмаган кишиларнинг нормал турмуши ҳамда хавфсизлигини таҳлика остига қўймоқда ва мамлакатда чуқур хавотирлик уйғотмоқда.

Республиканинг, унинг халқининг тақдирини белгилаб берувчи, бутун мамлакат манфаатларига тааллуқли бўлган Конституцияга тузатишлар маслаҳатлашмасдан ва муҳокама қилинмасдан бирданига, деярли бир кечанинг ўзида ҳал этилишини нормал ҳол деб бўладими ахир?

СССР халқ депутатларининг III съезди республика Олий Советини сиёсий мулоҳазасизликдан воз кечишга даъват этди. Литва раҳбарияти бундай соғлом фикрлашга қилинган даъватга масъулиятсиз ва ҳуқуққа зид қарорлар қабул қилишни авж олдириш билан жавоб қайтарди. Бу Литва ССРни бошқа Иттифоқдош республикаларга, умуман Совет Иттифоқига қарши қўяди, халқларимиз ўртасида тарихан таркиб топган алоқаларга ва ҳамкорликка путур етказади.

Литвада амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар ҳеч қандай мантиқий асосга эга эмас. Бундай хатти-ҳаракатлар биз совет федерациясининг туб масалаларини ҳақиқатан ҳам демократик асосда ҳал эта бошлаган пайтда оширилмоқда.

Бизнинг нуқтаи назаримиз қандай? Бу мамлакатимиз барча халқларини эркин ва ўзига хос тарзда ривожлантириш ғояларига астойдил садоқат, уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақилликка бўлган қонуний ҳуқуқларни ҳурмат қилишдан иборат. Бу Литва халқига ҳам тўла тааллуқлидир.

Ҳозирги вақтда сизларни СССР билан муносабатни узмасдан туриб, чинакам мустақиллик бўлиши мумкин эмас, деб ишонтиришга уринмоқдалар. Бунда эски гиналарни атайлаб авж олдириб, биргаликдаги турмушнинг нохуш жиҳатларини бўрттириб кўрсатмоқдалар. Тўғри, бизда ўтмишда анчагина шундай жиҳатлар бўлган, буни сизлар ҳам, бизлар ҳам қоралаймиз ва рад этамиз. Фақат Литва халқига нисбатан эмас, балки бошқа халқларга нисбатан ҳам шундай қилиш адолатлидир. Аммо ҳеч ким мамлакатимизнинг қайси бир халқи бугунги кунда онгли равишда улуғланганлигида ёки атайлаб камситилганлигида қайта қуриш сиёсатини айблай олмайди.

Биз кўп йиллар давомида ягона оила бўлиб яшадик. Ана шу вақт наҳотки фақат қоралашга лойиқ бўлса? Наҳотки, Литва адабиёти ва шеърияти, театри ва киноси, мусиқа ва архитектураси, маорифи ва спорти совет маданияти ранг-баранглигида хиралашган ва ўз қиёфасини йўқотган бўлса? Наҳотки, саноатингиз ва қишлоқ хўжалигингиз биргаликдаги меҳнатда, бошқа республикаларнинг қардошларча ёрдамида ривожланмаган бўлса? Наҳотки, қийин дамларда Литванинг ўзи бошқа халқларга дўстлик қўлини чўзмаган бўлса? Наҳотки, Литва тўла ҳуқуқли республика сифатида узоқ йиллар ҳалол ва мунтазам амал қилган СССР Конституцияси Литва гражданларининг овози билан мустаҳкамланмаган бўлса?

Литванинг ҳозирги раҳбарлари ўзларининг ажралиб чиқиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари СССРдаги бошқа республикалар билан иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа алоқаларга таъсир кўрсатмайди деб сизларни ишонтирмоқчи бўладилар. Аммо бундай эмас. Чунки ана шу барча алоқалар мухолифлик ва шартлар қўйиш, бир-бирига ҳурматсизлик муносабатлари ва миллатлараро адоват вазиятида эмас, балки ишонч ва ўзаро ёрдамнинг қулай муҳитидагина нормал ривожланиши ва самара бериши мумкин.

СССР Конституциясини ошкора назар-писанд этмаслик, совет қонунларига қаршилик кўрсатиш, иттифоқ мажбуриятларини бажармаслик бутун мамлакатда ҳақли норозилик уйғотмоқда. СССР Президенти, СССР Олий Совети, СССР ҳукумати Литвада юз бераётган воқеалар муносабати билан ғоят хавотирлик ва таажжуб изҳор қилинаётган кўпдан-кўп хат ва телеграммалар олмоқдалар. Одамлар СССР Конституцияси ҳимоя қилинишини, иттифоқни айирмачиларнинг хатти-ҳаракатлари келтираётган зарардан муҳофаза қилишни талаб этмоқдалар. Иқтисодий, сиёсий, маъмурий тусдаги самарали чоралар қўлланиш таклиф этилмоқда. Белоруссия ва Калининград областида Литва СССР таркибига кирганидан кейин унга берилган территорияларни қайтариб олиш тўғрисидаги масала қўйилмоқда.

Умуман, республиканинг ўзидаги ва унинг теварагидаги вазият фожиали тус олди. Агар ҳозир ақл-идрок овозига қулоқ солинмаса, воқеалар ҳаммамиз учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Биз бунга йўл қўймаслик муддаосида якдил бўлишимиз зарур.

Мен Литва ССР Олий Советига мурожаат қилиб, қабул қилинган ҳуқуққа зид ҳужжатларни дарҳол бекор қилишни таклиф этдим. Бу эса вужудга келган барча муаммоларни бирдан бир мақбул асосда — СССР Конституцияси доирасида муҳокама қилиш имкониятини яратади.

Мурожаатномамни Литва ССР гражданлари қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қиламан.

М. ГОРБАЧЕВ.

СССР Президентининг Литва ССР Олий Советига мурожаатномаси

Литванинг ҳозирги раҳбарияти ақл-идрок овозига қулоқ солмай, СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди қарорини ҳамон назар-писанд этмаяпти, СССР Конституциясига зид бўлган ҳамда бутун иттифоқ учун ошкора дағдаға қилувчи ва ҳақоратомуз тусдаги хатти-ҳаракатларни бир ёқлама тартибда амалга оширяпти.

Бу йўл ҳалокатли бўлиб, фақат боши берк кўчага олиб келишини яна бир бор айтмоқчиман.

Литва ССР Олий Совети депутатларини бу ҳақиқатни, Литва халқи — литваликлар ва литвалик бўлмаган кишилар манфаатлари, уларнинг хавфсизлиги ва бахт-саодати учун, бутун мамлакатимизда демократия ва жаҳонда барқарорлик тақдири учун ўзларининг тарихий масъулиятини англашга даъват этаман.

Литва ССР Олий Советининг сессиясида қабул қилинган ҳуқуқга зид ҳужжатларни дарҳол бекор қилишни таклиф этаман. Бундай қадам вужудга келган барча муаммоларни бирдан-бир мақбул асосда — СССР Конституцияси доирасида муҳокама қилиш учун имконият яратади.

М. ГОРБАЧЕВ.

СССР Президентининг СССР Олий Советига мактуби

СССР Олий Советига «Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлашга оид кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имтиёзли тартибда кўриб чиқиш ва қабул қилишни таклиф этаман.

Бу шунчаки етилган иҳтимоий-иқтисодий муаммо эмас. Бунда гап жамиятимиз турмушининг туб масаласи тўғрисида, унинг ҳозирги куни ва келажаги ҳақида бормоқда. Бошқа соҳаларда ишларнинг аҳволи қанчалик кескин бўлмасин, оналар ва болалар тўғрисидаги ғамхўрлик ҳамма нарсадан устун туриши лозим. Уларга диққат-эътибор — ҳар қандай жамият, энг аввало социалистик жамият маданиятининг, маданийлашганлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Шунга қарамай, бизда бу соҳада йўл қўйиб бўлмайдиган аҳвол вужудга келди. Аёллар зиммасига икки томонлама — ишлаб чиқаришда ва уй-рўзғорда оғирлик тушаётганлиги, уларнинг меҳнати, саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга социал-маиший хизмат кўрсатиш етарли даражада пухта ўйлаб ташкил этилмаганлиги аёллар турмушини жиддий қийинлаштирмоқда. Уларнинг саломатлигига, оиладаги муҳитга, болалар тарбиясига таъсир кўрсатмоқда. Давлат нафақалар ва имтиёзларининг амалдаги системаси кўпгина оилаларнинг зарур моддий фаровонлигини таъминламаяпти. Кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, болалар уйларининг ва бошқа махсус болалар муассасаларининг тарбияланувчилари айниқса оғир аҳволда.

Ҳозирги вақтда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлашнинг кўп томонлама давлат программаси тайёрланмоқда. Мен ана шу программани ишлаб чиқишни жадаллаштириш тўғрисида кўрсатма бердим. Айни пайтда энг кам таъминланган оилалар аҳволини яшилаш юзасидан биринчи галдаги чора-тадбирларни ҳозирнинг ўзидаёқ ҳеч кечиктирмай амалга ошириш зарурлиги ва мумкинлигига ишончим комил.

Болаларга давлат нафақалари бериш миқдори, тартиби ва шартларини, декрет отпускалари ва болаларни парвариш қилиш юзасидан отпускалар муддатини қайта кўриб чиқишни таклаф этаман.

Давлат она-оналарга жамоат ишлаб чиқаришидаги меҳнатни болалар тарбияси билан узвий қўшиб олиб бориш имконини берадиган қулай шарт-шароитлар яратишга мажбурдир. Ўзгарувчан иш жадвалларини, тўла бўлмаган иш кунини жорий этишнинг бирмунча кенг имкониятларини қонун йўли билан кўриб чиқиш керак. Амалдаги қонунчилик бу борада болани тарбияловчи оталар, васийлар, оила бошқа аъзоларининг ҳуқуқларини чеклашини адолатсизлик, деб ҳисоблайман.

Ҳомиладор аёллар, оналар меҳнатини ташкил этиш ва уларни диспансер кўригидан ўтказишга оид кўпгина нормалар ва қоидаларни қайта кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман. Аёллар меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг руҳий-физиологик ва ёш хусусиятларини тўғри ҳисобга олиш юзасидан реал шарт-шароитлар яратиш учун совет ва хўжалик раҳбарларининг масъулиятини оширишни таклиф этаман. Хотин-қизлар ва ўсмирлар учун оғир ва зарарли бўлган касблар рўйхатини, йўл қўйиш мумкин бўлган меҳнат нормаларини қисқа вақт ичида қайта кўриб чиқиш, аёлларнинг тунги меҳнатидан фойдаланишни чеклаш, ёш болали аёлларга нисбатан эса буни сўзсиз амалга ошириш зарур. Зарарли ишларда банд бўлган хотин-қизлар саломатлиги муҳофаза қилинишини таъминловчи қарорлар ҳеч кечиктирмай қабул қилиниши керак.

Болалар муассасаларини ва туғруқда ёрдам берадиган, даволаш-профилактика муассасаларини қуриш ва уларни жиҳозлашга, зарур ускуналар ва дори-дармонларни, болалар овқати маҳсулотларини чет мамлакатлардан харид қилишга валюта маблағлари сарфлашни кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Таклиф этилган тадбирларни амалга ошириш анчагина қўшимча ҳаражатларни талаб этади. Аммо ана шу мақсадлар учун маблағларни давлат харажатларини қисқартириш ва мақбул тарзга келтириш ҳисобига қидириб топиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ёш болали миллион-миллион оилаларнинг моддий фаровонлигини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради. Республикалар, областлар, корхоналар маблағлари ҳисобига ҳам кўпгина ишларни амалга ошириш мумкин. Бу борада энг муҳими — муаммолар тегишли даражада тушунилаётганлигини баён этиш ва уларни ҳал этишга манфаатдорлик билан муносабатда бўлишдан иборат.

М. ГОРБАЧЕВ.

ҚОНУНЛАРНИ ҲАЁТ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ КРЕМЛДАН ХАБАР БЕРАДИЛАР

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раисининг ўрни ҳали ҳам бўш турибди. Палатанинг 2 апрелдаги навбатдаги мажлиси палата раисини сайлашдан бошланди, бироқ ўтган жума куни бўлгани каби ана шу лавозимга кўрсатилган икки номзод (И. Д. Лаптев ва К. Д. Лубенченко)нинг бирортаси сайланиш учун зарур бўлган миқдордаги овозни ололмади.

СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьяновнинг таклифи билан депутатлар бу масалага олдин янги номзодларни ўйлаб кўриб, сўнг яна қайтишга қарор қилдилар.

Шундан сўнг Иттифоқ Совети гражданларнинг миллий тенг ҳуқуқлигига қасд қилганлик ва СССР территорияси бирлигини зўрлик билан бузганлик учун масъулиятни кучайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Айрим гражданларнинг масъулиятини кўзда тутувчи ҳозир амал қилаётган ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқли равишда янги қонун уюшмалар жавобгарлигини жорий этади. Ҳар қандай уюшманинг миллий ёки ирқий душманликни қўзғатишга, нифоқ ёки менсимасликни келтириб чиқаришга, миллий, ирқий, диний асосда зўравонлик қилишга, шунингдек СССР, Иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар территориялари бирлигини зўравонлик билан бузишга қаратилган фаолияти ғайриқонуний деб эълон қилинади. Бундай фаолиятни тақиқлаб қўйиш тўғрисидаги қарор фақат суд йўли билан қабул қилиниши мумкин, шундан сўнг ана шу ташкилотлар тарқатиб юборилади, уларнинг мол-мулки эса мусодара қилинади.

Ҳужжатни моддама-модда муҳокама қилиш депутатлар эътиборига ҳавола этилган қонун лойиҳасига аслида ҳеч қандай ўзгартиш киритмади. Қонун лойиҳаси матнига билдирилган озроқ тузатишлар рад этилди, жумладан қонунга нутқлар ва дўқ-пўписалар, ёхуд ёзма матнлар ёки расмлар воситаси билан миллий нифоқни авж олдирувчи шахслар жавобгарлигини кўзда тутувчи махсус банд киритиш тўғрисида депутат Ф. М. Бурлацкий таклифи рад этилди. Олий Советнинг ҳуқуқ-тартибот ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари комитетининг раиси Ю. В. Голикнинг фикрича, бу тузатишнинг тақдири ҳали ўзил-кесил ҳал қилинган эмас.

Палаталар мажлисининг кун тартибидаги навбатдаги масала — фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий режими тўғрисидаги СССР қонуни лойиҳасининг иккинчи муҳокамасидир.

Куннинг иккинчи ярмида ана шу ҳужжатлар Миллатлар Советида ҳам кўриб чиқилади.

А. ПЕТРОВСКИЙ,
В. ШИШЛИН.

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ — ҚАЙТА ҚУРИШГА

XII БЕШ ЙИЛЛИК

• *Сўз — Ўзбекистон ССР халқ депутатига*

ВАЗИФАЛАР РАВШАН

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини якунлаганига мана уч кун бўлди. Халқ депутатлари Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш масалаларини қизғин муҳокама қилдилар. Сессиянинг ҳар бир иш куни қизғин мунозара ва баҳслар билан ўтди. Фикрлар хилма-хил бўлса ҳам мақсад ягона эканлиги намоён бўлди.

Халқ депутатлари мазкур сессия ишининг якунлари ҳақида ҳамкасблари ва сайловчиларига ҳисобот бермоқдалар.

Абдураҳмон Убайдуллаев ўз таассуротларини шундай ҳикоя қилади:

— Халқ депутатлари анжуманида кўрилган масалалар жуда муҳимдир. Унда жумҳуриятимиз олдида турган асосий вазифа белгилаб олинди, — дейди у. — Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш бош вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди. Шубҳасиз, бу вазифалар муваффақиятли ҳал этилади. Маълумки, деҳқонлар мўл ва сифатли ҳосил билан она-Ватан хазинасини бойитишга жалб этилишган. Бизнинг давлат хўжалигимиз бу йил 3500 гектар майдонга барака уруғи қадайди. Ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил олишни мўлжалламоқдамиз. Маълумотларга кўра экиш мавсумига бизда ҳамма нарса шай. Ариқ-зовурлар муддатидан олдин тозаланди. Техника воситалари тахт қилиб қўйилган. Бу йилги мавсумда ҳам деҳқонларимизни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишига алоҳида эътибор берамиз.

Ўзбекистон ССР халқ депутати Абдураҳмон Убайдуллаев Задарё ноҳиясидаги қўриқ «Наманган» давлат хўжалигида 4-бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлайди. Бўлим пахтакорлари мавсумга пухта тайёргарлик кўришди. Экиш агрегатлари яқин кунлар ичида далага олиб чиқилади. Бўлғуси ҳосил йўлида илк қадам ташланади.

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ депутати А. Убайдуллаев (ўнгда) 5-бригада механизатори Мамадали Мамажонов билан далада.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ТАШАББУСГА КЕНГ ЙЎЛ

◆ Пойтуғ ва Ёрқишлоқ йигирув-тўқув фабрикалари тўқимачилари КПСС XXVIII съездини муносиб кутиб олиш мақсадида янги ташаббус билан чиқдилар.

Бу икки коллектив ишчилари планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан юқори мажбурият қабул қилдилар. Жумладан, Пойтуғ фабрикаси 1,6 миллион метр газлама ва 100 тонна калава ип, Ёрқишлоқ фабрикаси эса 1,1 миллион метр газлама ва 50 тонна калава ип тайёрлашга ахд қилдилар. Бундан ташқари, улар асосий ва ёрдамчи иншоотларни ҳамда ижтимоий-маданий соҳага тегишли объектларни тўла капитал ремонт қилиш, корхоналар территорияларини кўкламзорлаштириш сингари хайрли ишларни амалга оширишни кўзда тутмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ўз ҳайъат мажлисида мазкур коллективлар ташаббусини маъқуллаб, тармоққа тегишли барча корхоналарда КПСС XXVIII съезди шарафига мусобақани авж олдириш чора-тадбирларини белгилаб чиқди.

О. СОҚИЕВ,
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ҳайъати аъзоси.

БАРАКАЛЛА, РЎЗИБОЙ!

◆ «Наманганводстрой» трестига қарашли Поп районидаги 2-механизациялашган кўчма колоннанинг тажрибали экскаваторчиси Рўзибой Сулаймонов беш йил ичида саккиз йиллик топшириқни уддалади.

Пландаги 752 минг кубметр ўрнига 1 миллион 306 минг кубметр тупроқ ишларини бажарди.

Айни кунларда илғор экскаваторчи 1994 йил ҳисобига меҳнат қилаётир. Рўзибойнинг ўғли Мавлудали ҳам ота изидан бермоқда. Ҳозир оилавий экипаж қудратли техниканинг узлуксиз ишлашини таъминлаяпти. Улар сменадаги 500 ўрнига 800-1000 кубметрдан тупроқ қазиб чиқармоқдалар.

Кўчма колоннада Р. Сулаймоновнинг шогирдлари Э. Бозоров, Э. Мирбадалов ва А. Ҳошимов ҳам мураббий ортидан бориб, жорий йилнинг сўнгги кварталги ҳисобига меҳнат қилишяпти.

С. ҚУЧҚОРОВ,
Наманган области.

ЭКИШ АВЖ ОЛМОҚДА

Қашқадарё области хўжаликларида баҳорги деҳқончилик ишлари кундан-кун авж олдирилмоқда. Кўпгина районларда бу йил чорва моллари учун тўйимли озуқа-беда пичани етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Вилоятнинг У. Юсупов, Ульянов, Қарши, Шаҳрисабз ва Косон районларида катта-катта майдонларда янги пичанзорлар ташкил этилди.

Қўриқ Баҳористон районидаги 35-совхозда агротехника қоидалари асосида 380 гектар ерга беда уруғи экилди. Хўжаликнинг Ражаб Маҳадов, Ражаббой Чориев, Шокир Рамазонов, Баратжон Аблазов кабилар бошлиқ бригадалари бу йил янги беданинг ҳар гектаридан 200—250 центнердан пичан етиштиришни мўлжаллашмоқда.

Совхозда сеялкалар ёрдамида бошқа деҳқончилик экинлари хашаки лавлаги, помидор, пиёз уруғлари ҳам экиб бўлинди.

Ульянов районидаги Дзержинский номли, «Пахтакор», «Ғалаба» совхозларида ҳам экин-тикин ишлари сифатли амалга оширилмоқда. Жумладан, «Ғалаба» совхозида 79 гектар ерга силос учун, 35 гектар ерга дон учун маккажўхори уруғи экилди. Хўжаликда 260 гектар майдонга беда уруғи сепилиб, ўз намига ундириб олинди.

Шунингдек, эртаки сабзавот етиштиришга ҳам асосий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 10 гектар ерга пиёз, 3 гектар ерга помидор, 35 гектар ерга ош лавлаги уруғи сепилди.

Ғузор районидаги «Пачкамар» совхози деҳқонлари 2 йилдан бери зиғир етиштирмоқдалар. Бу йил зиғир майдонлари 90 гектарга кенгайди. 20 гектар майдонга нўхат экилди. Вилоят меҳнат аҳли баҳорнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга пойдевор яратмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИШЧИЛАРГА ИМТИЁЗ

Бундан бир йил муқаддам корхонамиздаги депутатлик группаси заводнинг иқтисодий фаолиятини ўрганиб чиқиб, меҳнат коллективи кенгашига тавсиялар таклиф қилди. Биз завод коллективи қўлга киритаётган иқтисодий даромаднинг бир қисмини ишчилар учун ижтимоий имтиёзлар яратишга сарфлашни тавсия этгандик.

Кенгаш аъзолари барча таклифларимизни қўллаб-қувватлашди. Бундай имтиёзлар мундарижасини коллектив шартномага киритдик. Пенсияга чиқаётган меҳнат ветеранлари С. Бақоев, Ж. Нарзиевга минг сўмдан ёзилган омонат дафтарчалари топширилди. Эндиликда заводда кўп йиллар меҳнат қилган барча ветеранларни шундай дафтарча билан пенсияга кузатиш қатъий тартибга кирган.

Бу корхонада сидқидилдан меҳнат қилганлар учун яратилган ягона имтиёз эмас. Нафақаси юз сўмдан кам бўлган пенсионер ишчиларга завод ўз ҳисобидан қўшимча ҳақ тўламоқда. Корхонада 10—15 йил узлуксиз ишлаган киши ўн учинчи маошга ўн фоиз, ўн беш-йигирма йил ишлаган киши йигирма фоиз қўшимча ҳақ олмоқда. Бутун йил давомида нуқсонсиз меҳнат қилган ишчи отпускага чиқаётган пайтда бир ойлик қўшимча ҳақ оляпти.

Завод ишчилари оилаларини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашни ҳам ўз зиммамизга олганмиз. Шу мақсадда завод маъмурияти «Ғунажин» кооперативи билан шартнома тузди. Биз ҳар килограмм гўштни кооперативдан 4 сўмдан харид қилиб, ишчиларга уч сўмдан сотяпмиз. Ўртадаги фарқ завод даромадидан қопланмоқда. Бундан ташқари, ёрдамчи хўжалигимизда чорвачилик билан бир қаторда теплица, асаларичиликни ривожлантиряпмиз.

Буларнинг ҳаммасига хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш эвазига эришиляпти. Ўтган йили корхона хўжалик ҳисобининг биринчи моделига ўтиб, 1 миллион 219 минг сўм даромад қилди. Даромаднинг 63 фоизи меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишчиларни моддий рағбатлантиришга сарфланди.

Меҳнат коллективининг янги йилдаги фаолияти ҳам самарали. Дастлабки квартални ярим миллион сўм даромад билан якунладик. Демак, меҳнат кишиси учун яна янги имтиёзлар яратилади.

А. АБДУЛЛАЕВ,
Бухоро ёг-экстракция заводи мастери, шаҳар Советининг депутати.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Вьетнам Социалистик Республикаси коммунистларининг делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Делегацияга ВКП Марказий Комитети бўлим мудири Данг Куок Бао бошчилик қилмоқда. Делегация КПСС Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқига келган.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим министрлигида бўлдилар.

2 апрель куни делегация аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилиндилар.

(ЎзТАГ).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

«УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комиссиясининг раиси депутат Э. Ҳ. ХАЛИЛОВ *доклади*

Депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комиссияси бугунги мажлис арафасида республика ҳарбий комиссари депутат Владимир Носирович Маҳмудовнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари тўғрисидаги маърузасини тинглади. Ушбу қарор лойиҳаси барча депутатларга тарқатилган.

Ўртоқлар, кейинги вақтларда давлат органларига, оммавий ахборот воситаларига, Ўзбекистон ССР Олий Советига меҳнаткашлардан тушаётган хатларда Совет Армияси ва Флотида ҳарбий хизматни ўташни ташкил этишдаги катта камчиликлар маълум қилинаётганлигини сизлар биласизлар.

Республикамиз йигитларининг ҳарбий хизмати таҳлил этиб кўрилганида ҳозир амал қилаётган «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонуни эскириб қолганлиги ва унда мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар эътиборга олинмаётганлиги, у ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларига муносиб риоя этилиши, уларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминламаётганлиги маълум бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси бизни СССР Олий Советига мурожаат этиб, йигитларимизни чақириш ва уларнинг ҳарбий хизмати хусусиятларини эътиборга олиш, шунингдек мазкур Қонунни ҳозирги замон талаблари руҳида ўзгартиришни илтимос қилишга мажбур этди.

Ҳа, замон бизни СССРнинг ҳамда республикамизнинг асосий қонунларининг ҳам кўпгина қоидаларини ўзгартиришга мажбур қилмоқда. Ҳозирги вақтда «СССР мудофааси тўғрисида» ва «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳалари СССР Олий Советида ҳам муҳокама қилинаётганлиги бежиз эмас.

Аввало биз ўз кучимиз билан республика йигитларини ҳақиқий ҳарбий хизматга тайёрлаш сифатини яхшилаш ишида нималар қила олишимиз ҳақида гапириб ўтмоқчиман.

Республика партия, совет, комсомол ташкилотлари, ҳарбий комиссариатлари, бошқа жамоат ташкилотларининг биргаликда қилаётган ишини таҳлил этиш асосида шундай хулоса чиқариш мумкин: ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш масалаларида, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Чақириққача ва чақириқ ёшидаги йигитларни СССР Қуролли Кучларидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга тайёрлаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан бир қанча ташкилий ва амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Бугунги турмуш воқеалари, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини таъминлаш билан боғлиқ масалалар тез ва рагида вужудга келаётган вазият, аҳолининг айрим қисми орасидаги армияга қарши кайфиятлар, армиядаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисидаги жуда хилмахил миш-мишлар бизни мазкур муаммоларга янгича назар билан қарашга, ишнинг қўшимча усулларини қидиришга мажбур қилмоқда.

Республика ҳарбий комиссари комиссия мажлисида қилган маърузасида таъкидлаганидек, ҳар йили Ўзбекистондан 180 мингга яқин йигит Ватанимизнинг қуролли ҳимоячилари сафига киради, унинг чегаралари хавфсизлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилиш юзасидан халқ ва давлат олдида ўз зиммасига жуда масъулиятли мажбурият олади. Уларнинг аксарият кўпчилиги ўзларининг конституцион бурчини виждонан, ҳалол бажармоқда. Шу билан бирга, республика ёшларини армия хизматига тайёрлашда тузукроқ ютуқларга эришишга, чақириқ ёшидаги йигитларни армия хизматига тайёрлаш сифатини кескин яхшилашга ҳозирча муваффақ бўлмаганимизни тан олиш керак.

Масалан, 1989 йилда Ўзбекистондан армия ва флотга 13.600 дан кўпроқ ўрта маълумот олмаган йигитлар юборилди. Уларнинг кўпчилиги ҳарбий қурилиш қисмларига юборилган ва шулар орасида 6 мингдан кўпроқ киши сафдан ташқари хизматга яроқли деб топилган. Тинч даврда 771 киши соғлиғи ёмонлиги учун яроқсиз деб топилди, 810 киши касаллиги сабабли ҳарбий ҳисобдан бутунлай чиқарилди. Мана шуларнинг ҳаммаси сиз билан бизнинг ишимиздаги камчиликлардир.

Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, ҳарбий хизматчилар орасида Уставга зид ўзаро муносабатлар, жанговар техниканинг авария ва фалокатга учраши, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик оқибатида интизом бузишлар, хизмат даврида одамларнинг ҳалок ва майиб бўлиши аҳолини жуда ташвишлантирмоқда.

Бундан ташқари баъзи область ва районларда йигитларни бир марказдан мувофиқлаштириб хизматга тайёрлашнинг самарали системаси вужудга келтирилмаган. Бу ишни планлаштириш асосан таълим-моддий базани вужудга келтириш ва такомиллаштиришга қаратилган. Айни вақтда ёшлар ўртасида аҳлоқ ва маънавият масалалари, совет ва партия органларининг, жамоатчиликнинг бу вазифаларни ҳал қилишдаги фаоллигини ошириш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Натижада йигитларнинг гражданлик камолотига эришуви орқада қолмоқда, уларнинг турмушга тайёрга-айёрлик билан қараши, жамиятга керак бўлган жойда меҳнат қилишни хоҳламаслиги ранжитмоқда. Республикада кейинги йилларда ҳеч қаерда ишламайдиган чақириқ ёшидаги йигитлар деярли икки баравар кўпайиб кетганлиги бизни, айниқса, ташвишга солмоқда. Умумий таълим мактаблари, ҳунартехника билим юртлари ўқувчиларининг қонунбузарлик хатти-ҳаракатлари ҳали ҳам кўп. Ҳар икки жиноятнинг қарийб бири мана шундай ёшларга тўғри келмоқда.

Шу сабабли турмуш ва хизмат борасида тўғри, етук фикрли йигитлар билан бирга, жумладан, бизнинг республикамиздан ҳам армияга ҳали ижтимоий психологияси бузилган ёшлар бориб турибди. Афсуски, уларнинг сони камаймаяпти. Хўш, улар армияга нима олиб бормоқдалар? Бу жуда ҳам муҳим масаладир. Бу масала хусусида ҳам армиядаги, ҳам маҳаллий партия, совет, комсомол, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги барча мансабдор шахслар, депутатлар ҳам кун сайин ўйлаб, ҳарбий-ватанпарварлик ишини қунт билан яхшилашлари керак. Яъни доимий ва самарали ишлайдиган ягона ва кенг кураш жабҳаси бўлиши керак, ҳозир Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида мана шундай жабҳа юзага келяпти, деб ҳисоблайман.

Биз мустаҳкам ўзаро алоқада бўлиб, фаол ўзаро ёрдамлашиб, ёшлар ўртасидаги, шу жумладан армиядаги жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги кўпгина вазифаларни самарали ҳал қила оламиз, шунингдек гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя эта оламиз.

Шунда ҳарбий комиссариатларга, республиканинг партия ва совет идораларига ота-оналардан ва сайловчилардан ўғлимизни қуролли кучлардаги «бедодлик»дан ҳимоя қилишингизни сўраймиз, деган хат, ариза ва илтимослар камроқ тушадиган бўлади. Баъзи бир экстремист кучларга эса армияга қарши кайфиятларни авж олдириш ва миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш учун баҳона топилмай қолади.

Хуллас, бутун жамият, бутун республика билан биргаликда бу соҳада анчагина иш қилишимиз керак-лигини кўриб турибсизлар. Биз йигитларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ўсишлари, юқори умумий таълимга эга бўлишлари, меҳнатга ва мудофаага тайёр бўлишлари учун ҳамма ишни қилишимиз керак.

Депутат ўртоқлар!

Мамлакат парламентининг тегишли комитетлари ва комиссияларида мудофаа тўғрисидаги ва умумий ҳарбий мажбурият ҳақидаги Қонуннинг лойиҳалари ишлаб чиқилди, бу лойиҳаларда совет ҳарбий қурилиши соҳасида бир қанча туб ислоҳотлар қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, уларнинг мақомини белгилаш ва бошқа бир қанча муаммоларини ҳал қилиш кўзда тутилган. Бу масалалар бир кундагина ҳал этилиши мумкин эмаслиги, бундай жиддий сиёсий қарорлар фақат Конституция асосида, демократик йўл билан, барча республикаларнинг ва уларда яшовчи халқларнинг манфаатларини ҳисобга олиб қабул қилиниши равшан.

Шу билан бирга ҳарбий ислоҳотнинг кўпгина масалалари бирмунча қисқароқ муддатларда ҳал этилиши ҳам мумкин эди.

Жумладан, бугун биз, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари мудофаа қобилиятимизни ва жанговар тайёрлигимиз даражасини камайтирмай мамлакатдаги ҳарбий ислоҳотни амалда жадаллаштиришга кўмаклашадиган қарорлар қабул қила олган бўлур эдик.

Комиссия мажлисида моддама модда кўриб чиқилиб, сизларга тақдим этилган Ўзбекистон ССР Олий Совети қарорининг лойиҳаси шу талабларга жавоб беради. Комиссия аъзолари қарор лойиҳасига бир қанча қўшимча ва ўзгартишлар киритганликларини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Эътибор беришингизни сўрайман. Биз қарорнинг биринчи абзацини ўзгартирдик. Энди у қуйидагича ўқилади: «Ўзбекистон ССР йигитларининг кейинги йилларда хизматни қандай ўтаётганлигининг таҳлили, шунингдек турли идораларга, совет ва партия ташкилотларига меҳнаткашлардан тушаётган хатлар амалдаги «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳозирги вақтда эскириб қолганидан далолат беради. Улар мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ҳисобга олмайди, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларига муносиб риоя этилишини, уларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаймайди».

Сўнгра Қарорнинг асосий қисмидаги иккинчи бандидан сўнгги жумла Иттифоқ Қонунига мувофиқ келмаганлиги учун олиб ташланди. Шу жойнинг ўзида 6-қисмида «доимий пул нафақаси» сўзлари қўшилди ва энди қуйидагича ўқилади: «ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига бир йўла ва доимий пул нафақаси белгилаш тўғрисида».

Биз ўнинчи қисмнинг шу бандига: «Ўзбекистон ССР комиссариатига республика ҳарбий комиссариати мақоми берилиб, у область ҳарбий комиссариати вазифаларидан холи этилсин, бунинг учун қўшимча равишда Тошкент область ҳарбий комиссариати тузилсин», деган мазмундаги жумлани қўшдик.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комиссияси қарор лойиҳасини муҳокама қилди ҳамда унга кўрсатилган қўшимча ва тузатишларни киритиб, уни сизларнинг муҳокамангизга ҳавола этади ва қабул этилган тақдирда СССР мудофааси тўғрисидаги ва умумий ҳарбий мажбурият ҳақидаги қонунларни ишлаб чиқиш чоғида бизнинг таклифларимизни эътиборга олиш учун уни СССР Олий Советига юборишни таклиф қилади.

МАЖЛИСЛАР КУНДАЛИГИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлари ҳақидаги доклад муҳокамасида йиғирмага яқин депутат қатнашди.

Музокараларда биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР халқ комиссари, депутат **В. Н. Маҳмудов** (364-Арнасой сайлов округи) сўзга чиқди:

— Мен ўз нутқимда ёшларимизни армия хизматига тайёрлаш борасидаги баъзи муаммоларга тўхталмоқчиман. Бу муаммолар ҳозир ҳарбий комиссариатларни ташвишлантирмоқда.

Биринчидан ўзбек миллатига мансуб кишилардан офицер кадрлар тайёрлаш муаммосини олайлик. Ҳозирги вақтда республикамизда рус тилини чуқур ўргатадиган ва ҳарбий-жисмоний тарбия тайёргарлиги кучайтирилган тўртта ихтисослашган мактаб-интернат бор. Ўни битириб чиқаётган ёшлар ҳарбий билим юртига ўқишга киришлари керак эди. Лекин кейинги икки йил ичида бу мактаб интернатларни биз кутганимиздан қарийб икки баравар кам ёшлар битириб чиқди. Айни вақтда 1988 йилда ўқишни битирганларнинг атиги 11,3 фоизи, 1989 йилда 12,1 фоизи ҳарбий билим юртларига киришди. Бунинг асосий сабаби ушбу ихтисослашган мактабларда тайёргарлик даражаси замонавий талабларга жавоб бермаслигидадир. Мен Тошкентда Суворов ҳарбий билим юрти тузилишини таклиф қиламан. Ў ёшларимизни мамлакатдаги ҳар қандай олий ҳарбий ўқув юртларига киришлари учун етарли даражада тайёргарлик кўришларини таъминлайди. Мен сизлардан таклифимни қўллаб-қувватлашни сўрайман.

Кейинги вақтда ҳарбий ватанпарварлик ишларининг даражаси ва умуман самарадорлиги жуда пасайиб кетди, деб ҳисоблайман. Бу ҳозир биз кузатаётган армияга қарши кайфиятлар билан боғлиқдир.

Ҳозир В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртида таълим олаётган ўзбеклар 29 нафарни, Тошкент танкчилар билим юртида 25 кишини, Самарқанд автомобиль билим юртида 51 кишини ташкил этади. Жами 105 киши. Шунинг учун ҳам округимизда маҳаллий миллатга мансуб бор-йўғи икки генерал, 403 нафар катта ва 211 нафар кичик офицер хизмат қилади. Бундай аҳволни тубдан ўзгартириш зарур.

Иккинчи масала: бизда ДОСААФнинг 35 та ўқув ташкилотида, 11 та ҳунартехника билим юртида ва Автомобиль транспорти министрлигига қарашли 17 та ўқув комбинатида Қуролли Кучлар учун мутахассислар тайёрланмоқда. Бир қарашда бу камдек туюлади. Айни вақтда ушбу ташкилотларда ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг атиги 10—11 фоизини армияга тайёрлаймиз. Энди ўзингиз таққослаб кўринг: Украина, РСФСР ва БССР ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг 35 фоизга қадарини тайёрлайди. Бунинг устига тайёргарлик даражаси паст. ДОСААФ мактаблари ўқувчиларини қабул қилиб, синфлар ташкил этишда қийинчиликларга дуч келмоқда, чунки маҳаллий ёшларнинг умумтаълим даражаси паст, жисмоний жиҳатдан тайёргарлик кўрмаган. Рус тилида ёмон гапиради ёки уни умуман билмайди. Бу ўринда маҳаллий Советлар катта фаолият кўрсатишлари мумкин.

Бошланғич ҳарбий таълим, уни ташкил этиш ҳамда сифати энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда. Тарбиячи кадрларнинг етишмаслиги бунинг сабабидир. Ушбу муаммо негадир маҳаллий маъмурларнинг эътиборидан четда қолмоқда, айни вақтда ҳарбий комиссариатлар етарли даражада қатъият кўрсатмаяптилар.

Хизматга чақирилувчиларимизнинг соғлиғи ҳам кишини ташвишлантиради. Минглаб йигитлар ўз соғлиқлари туфайли тўла-тўкис хизмат қилолмаяптилар. Соғлиқни сақлаш министрлиги бу борада кўп иш қилиши керак.

Армияда салбий ҳолатлар мавжуд, биз буни яширмаймиз. «Оқсоқоллик»ка барҳам берилмаган. Лекин одамларнинг феъл-атвори армия хизматига чақирилгунга қадар шакиллашишини тушунмоқ керак, биз оила ва мактабда тарбия ишларида йўл қўйилган камчиликларни тугатишимизга тўғри келмоқда Тузилган комиссия салбий ҳолатларни чуқур текширишга ва ушбу муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, депутат **А. И. Фозилбеков** (40-Форобий сайлов округи) ўз нутқида қуйидагиларни таъкидлади:

— Демократия ва ошкоралик ҳарбий хизматнинг илгари бизга унча маълум бўлмаган аянчли томонларини кўрсатиб қўйди. Бу эса ота-оналаримизда ўз фарзандларининг тақдири учун жиддий ташвиш туғдирмоқда. Хўш, бундай воқеалар нима сабабдан содир бўлмоқда? Бунинг сабаблари кўп, уларнинг асосийларидан бири шундан иборатки, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар ҳал этилмай келаверди. Масалан, ҳарбий-қурилиш қисмларида бўлган комиссиялар Уставдан ташқари муносабатлар деб аталмиш ҳарбий интизом кўпдан-кўп бузилаётганлигини аниқладилар. Бунинг сабаблари кўп. Булар кўпинча офицерлар ёмон ишлаётганлигининг натижаси бўлмоқда.

Буларнинг ҳаммаси Қуролли Кучлар обрўсига катта путур етказади, ёшларнинг армиямизнинг турмушдаги аҳамияти ва ўрни хусусидаги фикри ўзгаради. Биз ҳар доим армияни мардлик, байналмилалчилик мактаби деб ҳисоблаб келардик. Армия бўлинмаларининг кўп қисми шундай эканлигига ишонгим келади. Ҳамма ерда ҳам шундай бўлишига эришмоқ лозим.

Ўз таклифларимни киритмоқчиман. Биринчидан, ҳарбий бўлинмалар бир тилда сўзлашувчи аскарлардан тузилиши керак, юртдошлар имконият қадар бирга хизмат қилишлари зарур. Иккинчидан, илгари судланган, ақли ожиз ёшлар Совет Армияси сафларида хизмат қилишга жалб этилмасликлари лозим. Жисмоний жиҳатдан ожизларни ҳам қайтариш керак. Комиссариат тегишли идораларга шундай таклифлар билан мурожаат қилиши даркор. Учинчидан, йигитларимиз Ўрта Осиёдаги ҳарбий-қурилиш қисмларида хизмат қилишлари керак. Буларнинг ҳаммаси биз таклиф этган лойиҳага ёзиб қўйилган. Иккинчи банддаги «Олий Совет ва СССР ҳукуматига мурожаат этиш» деган сўзлардан сўнг «Ушбу масала тез ҳал этилишини талаб қилиш керак» деган сўзларни қўшиб қўйишни хоҳлардим. Тўртинчидан, хизмат қила олмайдиган ёшларни республикамиздаги қурилишларга юбориш керак. Буни қаттиқ назорат қилиш лозим. Республика Ҳарбий комиссариати ҳар икки томонга бўйсунмоғи зарур.

Депутат Маҳмудовнинг Суворов билим юртини тузиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлайман. Қолган учта олий ҳарбий ўқув юртида эса Туркистон ҳарбий округига ўзбеклардан офицерлар етказиб беришни кўзлаб, миллий кадрлар тайёрлашни кучайтириш лозим.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси; депутат **М. Исматов** (118-Куйбишев сайлов округи) нутқидан:

— Бугун биз муҳокама қилаётган муаммо бутун халқни жуда тўлқинлантирмоқда. Агар армияда чинакам ҳарбий интизом бўлганида, у ердан бундай нохуш хабарлар келмаган бўлур эди. Ўтган йили биз Мудофаа министрлигида бунинг сабаблари тўғрисида савол берган эдик, бироқ бизга дурустроқ жавоб қайтармадилар.

Фронтчилар уруш бошланган пайтда хизматга янги олинган ва ҳатто қуролдан фойдаланишни билмаган йигитларни Сталинград жангига юборган эдилар. У пайт оғир пайт бўлганлигини ва урушда одамлар ҳалок бўлишини тушунаман. Аммо, уларни ҳарбий таълимга ўргатганларида эҳтимол мамлакатда қурбонлар бунчалик кўп бўлмас эди. Мен буларни нима учун гапиряпман? Ҳозир уруш пайти эмас, аммо одамлар ҳалок бўлмоқда, афтидан ҳозир ҳам зарур даражадаги тайёргарлик етишмайди.

Бошқа томондан, уруш бўлмаслигига ким кафолат бериши мумкин? Ҳеч ким. Демак, солдатлар чинакамига хизмат қилишлари керак. Биз ҳам фронтда дастлаб рус тилини яхши билмас эдик. Аммо шуни эсдан чиқара олмайманки, бизнинг рус миллатига мансуб тошкентлик офицерларимиз ўзбек тилида жуда яхши гапиришар эди. Улар бизга чинакамига таълим беришган ва биз жуда яхши тайёргарлик кўрган эдик. Фронт соҳасидаги қимматли тажрибадан бугунги кунда ҳам фойдаланиш лозим.

Самарқанд область Иштихон район партия комитетининг биринчи секретари, депутат **Т. И. Йўлдошев** (297-Азамат сайлов округи) нохуш мисолларни келтирди.

— Ўтган йили райондан юзлаб йигит армия хизматига чақирилди. Шу йилнинг ўзидаёқ бир неча тобут келтирилди, 34 нафар йигит ногирон бўлиб қайтди. Ҳарбий интизом бузилаётганлиги тўғрисида индамаслик мумкин бўлмаганидек, бу ҳақда гапирмаслик ҳам мумкин эмас.

Ўтган йили Ереванда районимиздан чиққан уч йигит армияда хизмат қилди. Кейинчалик уларни Ереванда Ленинаканга ўтказишди. Уларни ҳақоратладилар.

Яна бир мисол: Коми АССРда бир йигитимизни калтаклашди. У дала госпиталига мурожаат қилди. Аммо фактни яшириш учун уни госпиталга қабул қилмадилар ва шаҳар касалхонасига жўнатдилар. Йигитнинг ота-онаси гап нимадалигини билиш учун у ерга боришди. Қўмондонлик бизнинг сўровимизга йигит яхши хизмат қиляпти, шикоятлар йўқ деган жавоб қайтарди. Фрунзе шаҳрида йигитларимиздан бири умуман ном-нишонсиз йўқолди. Биз бевосита мудофаа министрига ҳам мурожаат қилдик. Аммо солдатни топиша олмаяптилар.

Ўзбекистондан армияга чақирилувчиларни катта-катта гуруҳ қилиб жўнатиш, улар жам бўлиб хизмат қилиши зарурлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватлайман. Қурилиш батальонларини эса республикада қолдириш керак, уларга бу ерда қиладиган иш кўп.

Сирдарё область Боёвут районидаги А. И. Руцкий номли совхоз бригадири депутат **Ф. Н. Мирзаева** (380-Боёвут сайлов округи) оналарга хос хавотирлик билан гапирди.

— Ошкоралик танқиддан ҳоли зоналарни жумладан армиядаги аҳволни ойдинлаштирди. Бу соҳанинг ғоят нохуш саҳифалари очилмоқда биз фавқулодда ҳодисалардан хабардор бўлмоқдамиз. Аммо биз ушбу масалага ғоят холис ақл-заковат билан ёндашувимиз лозим. Барча мамлакатларда армияни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишмоқда.

Армия Улуғ Ватан уруши йилларида ўзининг қудратли куч эканини кўрсатди. Ҳозирги вақтда эса интизом борган сайин бўшашиб кетмоқда. Иш шунгача бориб етмоқдаки армияда хизмат қилишдан бош тортишга даъват этувчи кишилар топилмоқда. Агар биз уларга эргашадиган бўлсак, давлатимизни заифлаштириб қўямиз.

Аммо армияни сўзсиз тубдан қайта қуриш зарур. Менинг назаримда, профессионал армияни барпо этиш, уни халқ, депутатлар назорат қилишни кучайтириш йўлидан бориш керак. Бошқа томондан, тарбиявий ва байналмилал ишларни кучайтириш, офицерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш лозим. Армиямизнинг байналмилал моҳиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш даркор, акс ҳолда ҳар ким бутун давлатни эмас, балки фақат ўзи яшаб турган жойини ҳимоя қиладиган бўлади.

Шу билан бирга биз ота-оналарнинг ўз фарзандлари тақдиридан ташвишга тушаётганликларини ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас. Ҳарбий қисмлар, ҳарбий округлар ҳузурида ота-оналар комитетларини ташкил этишни таклиф этаман. Улар офицерларнинг хотинлари кирадиган хотин-қизлар кенгашлари билан биргаликда барча муаммоларни ҳал этадилар. Командирлар ва сиёсий бўлимлар бунда ёрдам беришлари керак. Биз қисмлар билан мустаҳкам оталиқ алоқалари ўрнатишимиз лозим.

Армияга умумхалқ меҳр-муҳаббатини тиклашимиз даркор. Офицерлардан миллий кадрлар тайёрлашимиз зарур, шундай қилинганда фарзандларимизнинг армияда хизмат қилиши енгиллашади. Бу йил юбилей йили, Улуғ Ғалабанинг 45 йиллиги нишонланадиган йил. Лекин ҳали қанча-қанча ветеранлар ёрдамга муҳтож, фронтчиларнинг қанчаданқанча қабрлари ҳамон қаровсиз қолмоқда! Махсус фонд ташкил этиб, Тинчлик фонди маблағларининг бир қисмини ана шу мақсадларга сарфлаш керак.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, депутат **П. Қ. Қодиров** (379-Оқ олтин сайлов округи) нутқида жиддий хавотирлик билдирилди.

— Муҳокама қилинаётган масалалар вазмин ёндашувни талаб қилади. Паркентдаги сингари воқеалар жуда таҳликали. Назаримда, фавқулодда вазият пайтида ички қўшинларни олиб киришдан аввал барча эҳтиёт чораларига риоя этиш — республика, область, шаҳар раҳбарияти билан келишиб иш кўриш зарур. Ушбу масалани диққат билан муҳокама қилишни ва СССР Олий Советига таклифлар билан чиқишни тавсия этаман. Ғоят иложсиз ҳолларда қуролни қўлланиш мумкин, деб ўйлайман.

Биз илк бор бундай улкан анжуманни бутунлай ўзбек тилида ўтказяпмиз. Ҳар бир янги ишда, айниқса амалий сўзлашувни шакллантиришда камчиликлар бўлиши мумкинлиги тушунарли. Тилшунос олимлар Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги қонунга асосланиб, замонавий атамаларни янада аниқ ифодалаб беришлари керак.

Уруш ва меҳнат ветеранлари Қашқадарё область кенгашининг раиси, депутат **С. Усмонов** (210-Киров сайлов округи) қуйидагиларни таъкидлади:

— Муҳокама қилаётган масалаларимизнинг сабаби ҳаммага тушунарли. Областимиздан борган аскар йигитлар билан содир бўлган воқеалар ҳақида гапириб, вақтингизни олиб ўтирмаймен. Шу йилнинг январида областимиз вакиллари, уруш ветеранлари Байкалорти ҳарбий округида бир ҳафта бўлиб қайтдилар. Кўрган кечирганларимиз йигитларимизга ҳеч қандай эътироз йўқлигидан далолат беради. Раҳбарият уларнинг ишига ижобий баҳо бермоқда.

Лекин делегация аъзолари қурилиш батальонларида бўлганларида жуда ташвишли манзарага дуч келдилар. У ерда ишлаш ва дам олиш учун ҳеч қандай шарт-шароит яратилмаган. Уларнинг кийим-кечаклари ва овқатланиши талабга жавоб бермайди. Командирлар биз мудофаа министрлигига бўйсунмаймиз, деб айтишади. Бу ерда ҳамма ерда «оқсоқолчилик» мутлақ ҳоким бўлиб олган. Ўз гражданлик бурчини бажараётган фарзандларимиздан ана шу сабабли жуда ҳам ташвишланамиз. Командирлар ҳар бир аскарнинг ҳаёти ва соғлиғи учун жавоб беришларини, уларнинг хавфсизлигини таъминлашларини талаб қилиш керак.

Мендан олдин сўзга чиққан нотиқларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, ҳатто уруш йилларида ҳам тракторчилар ва чўпонларга брон беришганини айтишни хоҳлардим. Биз чорвадор область ҳисобланамиз, чўпонлар етишмайди. Ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларга янада кўпроқ эътибор бериш, уларнинг маҳорат даражасини ҳисобга олиш ва айни вақтда халқ хўжалиги эҳтиёжларини унутмаслик керак, деб ўйлайман.

Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмодонининг биринчи ўринбосари, депутат **Г. Г. Кондратьев** (16-Пушкин сайлов округи) бу муаммоларни қандай тушунишини шундай изоҳлади:

— Армияда етарли даражада интизом йўқ, деган гапларга эътироз билдирмайман. Лекин бу ерда эшитганларимнинг кўпига қўшилмайман. Биз колхоз раисига қачон пахта экиш, уни қачон териб олиш кераклигини ўргатмаймизку, ахир. Армия ҳақида гапирганимизда у қандай яшаётганини, бугунги кунда унинг олдида қандай вазифалар турганлигини билишимиз керак.

Қабул қилинаётган ҳужжат тўғрисида гапирмоқчиман. Унда СССР халқ депутатлари Съездига Конституцияни қўшинлардан ташқари муқобил хизмат жорий этиш тўғрисидаги қоида билан тўлдиришни илтимос қилиб, мурожаат этиш кераклиги ҳақида гапирилади. Бундай таклифни олга суришдан олдин, афтидан, республикада ҳарбий хизматга чақириладиган ёшларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш ва уларни қайси тоифага ва қандай муқобил хизматга жалб этиш мумкинлигини аниқлаб олиш керак бўлади. Бу ҳақда ҳозир шунчаки гапириш мумкин эмасга ўхшайди.

Иккинчи бандда Ўзбекистондан хизматга чақирилувчиларни фақат республика ҳудудида ёки Туркистон ҳарбий округи қисмларида хизмат қилишлари учун уларни ҳарбий қурилиш қисмларига жўнатиш тўғрисидаги таклифлар билан СССР Олий Советига ва ҳукуматга мурожаат қилиш айтилади. Баъзи рақамларни келтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Шу йилнинг баҳорида биз ҳарбий ва махсус қисмларга, яъни жанговар ҳарбий қисмларга республикамиз ёшларининг 71 фоизини чақиришни, қолганларини эса қурилиш қисмларига юборишни режалаштиряпмиз. Баъзиларга бу кўп бўлиб туюлиши мумкин. Лекин қурилиш батальонлари учун мўлжалланган йигитлар соғлиғи туфайли жанговар ҳарбий қисмларда хизмат қилишга яроқсиз деб топилган ёки ҳарбий хизматга чеклашнинг 6-банди бўйича яроқли деб топилган ёшлардир. Биз бу одамларни ҳарбий қисмларга чақириш ҳуқуқига эга эмасмиз. Уларни бу ерда хизматда қолдириш мумкин эмас — округимизнинг ташкилий-штат тузилмаси, казарма фонди, бошқа фондлар шунча миқдордаги шахсий составни жойлаштиришга имкон бермайди.

Округимиздаги мавжуд база ва бизга ажратилган капитал маблағлар округ қурилиш қисмларига атиги 1,5 минг кишини олишга имкон беради. Қолганларини қаерга юборамиз. Бу кишиларни республика ҳудудида қолдирамизми? Шахсан мен бунинг тарафдориман, лекин бу реал йўл эмас. Ушбу масалани қўйишдан олдин ҳаммасини — ишлар ҳажмини, қурилиш батальонлари моддий асосларини ўйлаш керак. Афтидан, республика Министрлар Советининг Раиси, тегишли ташкилотлар бунинг учун зарур иқтисодий негизни топишлари керакка ўхшайди.

Бу ерда ҳарбий хизматга чақиришни ҳамда Ўзбекистон ССРдан ҳарбий хизмат қилиши лозим бўлган ёшларни мавсумий ишларга жўнатишни тўхтатиш ҳақида гап бўлди. Қандай мавсумий ишлар назарда тутиляпти? Қозоғистонда, мамлакатимизнинг бошқа регионларидаги ҳосилни йиғиб олиш назарда тутиляптими? Агар шундай бўлса, қарорга ёзиб қўйиш керак. Ҳарбий йиғинларга чақириққа келганда эса, ҳарбий тайёргарлик учун жавоб берадиган маънода биз бундай чақириқларни тўхтатишимиз мумкин эмас.

Масаланинг яна бир жиҳати хусусида тўхтаб ўтмоқчиман. Бу ерда матрослар ва Ҳарбий-Денгиз флоти ҳамда Ҳарбий-Денгиз қисмлари, СССР Давлат хавфсизлиги комитети чегара қўшинлари старшиналари учун икки йиллик хизмат муддатини белгилаш тўғрисида илтимослар бўлди. Лекин замонавий ҳарбий техника ва таълим программаси шундайки, қуруқликдаги қўшинларда икки йил ва флотда уч йил хизмат қилиш чоғида ана шу ҳарбий техника ва таълим программаси зўрға ўзлаштирилади. Муддатли хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларга ҳар йили отпуска бериш тўғрисида ҳам гапирилди. Шундай мисол келтираман: сиз ўз корхонангизда моддий манфаатдорлик тўғрисида гапирасиз. Отпуска ҳам ўзгахос рағбатлантириш, аскнинг яхши хизмат қилишидан ўзига хос моддий манфаатдорликдир. Командирлардан ана шу ҳуқуқни олиб қўйиш керак эмас.

Хуллас, шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилиниши ва ўзгартиришлар киритилиши ўйлаб қўймаслик керак.

Ўзбекистон ССР ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси, депутат **Ж. Ж. Шоҳмардонов** (188-Қоракўл сайлов округи) сўзга чиқади.

— Маҳаллий миллат вакилларидан офицерларни қандай қилиб кўпайтириш мумкин? Агар улар жанговар ҳарбий қисмларда хизмат қилишса, шундай қилиш мумкин бўлади. Улар генерал ва маршал даражасига кўтариладилар. Бугунги кунда маҳаллий миллатга мансуб офицерларнинг кўпчилиги ҳарбий комиссариатларда хизмат қилишмоқда.

Армиянинг ёшлар билан боғлиқ, уларнинг ривожланиш даражаси ва жисмоний тайёргарлиги билан боғлиқ муаммолари кўп. Агар жанговар ҳарбий қисмлар хўжалик ишларини бажаришдан ҳоли этилса, Қуролли Кучларда хизмат қилиш муддатини қисқартириш, уч йиллик хизмат иккй йилгача, икки йиллик хизматни бир ярим йилгача камайтириш мумкин.

Мен касби-кори ҳарбий хизматчи сифатида СССР мудофаа министрининг ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг 20 фоизини ўз округларида хизмат қилишга қолдириш тўғрисидаги қарорини маъқуллайман. Бу сиёсий жиҳатдан ҳам, ҳарбий жиҳатдан ҳам тўғри қарор бўлди. Менимча, мудофаа вазифаларига зарар етказмасдан бундан ҳам кўпроқ қолдириш мумкин. Республ

БИЗ ТАРТИБ ВА ОСОЙИШТАЛИК ТАРАФДОРЛАРИМИЗ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини тугаллади. Сессияда республиканинг келажаги ва халқимизнинг тақдири тўғрисида, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш республика ҳукуматининг биринчи даражали вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Унда шунингдек, барча халқларнинг тинч-тотув яшашини таъминлаш, дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликка содиқликка даъват янада зўр куч билан ўз ифодасини топди. Зеро, тенглик ва адолат ҳукмрон бўлган ердагина яхшилик ва саховат, тинчлик ва эркинлик, фаровонлик қўним топади.

Лекин бугунги ўзгаришлар кўнглига ёқмаётган одамлар ҳам бор. Уларни халқимиз орзиқиб кутаётган нурли умидлар тўлқинлантирмайди, улар фақат шахсий нафсониятларини ўйлаб иш тутадилар. Бундай одамлар миш-мишлар уруғини сочишади, ҳаётимизни беқарорлаштиришга уринишади, «халқнинг жонкуярлари» қилиб кўрсатадилар. Йўқ, халқ уларни қабул қилмайди, тан олмайди.

Республикамизнинг оммавий ахборот воситалари номига меҳнаткашлардан сессияда муҳокама қилинган масалалар ва шу юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 22 февралда эълон қилинган йиғилишлар, митинглар, кўчаларда юришлар ва намойишлар ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги Фармонига фикр билдирилган кўпдан-кўп хатлар келаётганлиги бундан далолат бермоқда. Одамларнинг аксарият кўпчилиги ҳозир ушбу Фармонда белгилаб берилган қоидалар ҳар қачонгидан ҳам зарур ва ўз вақтида эълон қилинган қоидалар деган фикрни билдиришмоқда. Ҳаммамиз яхши яшашни хоҳлаймиз, бунинг учун эса энг аввало осойишта, самарали меҳнат қилишга ундайдиган хотиржамлик бўлиши керак. Кўп кишилар қатнашадиган бирор митинг тўпланиб қолган муаммоларни самарали ҳал этишга қодир эмас. Лекин биз ҳозир эга бўлган нарсаларни йўққа чиқариши мумкин.

Қуйида республикамиз аҳолиси бизга ёзиб юборган хатлардан намуналар ўқийсиз.

Демократик жараёнлар жамиятимиз биносини тубдан янгилашга ёрдам бермоқда, — дейишди **Қўқон шаҳар 16-ўрта мактабда бўлган йиғилиш иштирокчилари.**—Бироқ ҳозирги турмушимизнинг кўпгина томонлари бизни қониқтирмаяпти, ташвишга соляпти. Меҳнаткашлар хўжасизлик ва билимсизлик, масъулиятсизлик, турли суиистеъмолларга дуч келганларида уларнинг ғазабланишлари сабаби тушунарли.

Бутун халқнинг куч-ғайрати билангина мамлакатни ҳозирги мураккаб аҳволдан чиқариш мумкинлиги мутлақо равшан. Қайта қуришга қарши шиорларга амал қилувчилар кўнгиллари тусаган ишни қилишларига, устунликка эришишларига йўл қўйиб бўлмайди. Биз ҳар хил сафсатабозларнинг ва сиёсатдонларнинг демократияга, ҳуқуққа зид ҳаракатлари, уларнинг миллатлараро адоват уруғини сочишлари, зўравонлик ва қўрқитиш усуллари билан муроса қилмаслигимиз лозим. Бундай ҳаракатларга йўл қўйиб ҳам, чидаб ҳам бўлмайди. Уларнинг қатъият билан олди олиниши лозим.

Қорақалпоқ шоири Толибой Қобулов бундай дейди:

— Мен осойишта вазиятни сақлаб туришга ёрдам бериш учун қабул қилинган Фармонларни қўллаб-қувватлайман. Қорақалпоғистонлик қариялар яхши эслашади: илгари ҳар бир овул, ҳар бир қишлоқнинг ўз «маслаҳат тоблари» — учрашувлар, мунозаралар, маслаҳатлашувлар ўтказиладиган ўзига хос жойлар бўларди. Аҳоли шу жойларда тўпланиб, у ёки бу муаммони қандай ҳал этишни маслаҳатлашиб оларди. Одатда, шундай муҳокамалардан кейин амалга оширилган ишлар жамият учун ҳамма вақт фойдали бўларди. Баъзан халқ бошига кулфат тушганида, миш-мишлар тарқалганида, одамлар даҳшатга тушиб қолганида ҳам шундай «маслаҳат тоблари»га тўпланишарди. Ўшанда ҳам одамлар ўз оқсоқолларининг, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган юртдошларининг сўзларига қулоқ солишарди. Биз узоқ вақт шундай яшадик, ўзгалар ғамига ҳеч қачон бефарқ қарамадик.

Нима учун энди биз ўзгариб қолдик, нима учун ўзаро ихтилофлар тўхтамаяпти? Бирлигимиз, дўстлигимиз учун алам ва ташвиш ҳислари мени қуйидаги сатрларни битишга мажбур қилди:

Кенгликка интилар қуш ҳам,
ари ҳам,
Гўёки унга жой қуш ёнида кам,
Жаҳон эса жуда кенг, кўз ҳам илғамас,
Гар кўнглимиз кенг бўлса, жой етмай қолмас.

— Рухсат берилмаган митинглар ва намойишлар, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар турмушимизга кескинликдан, миллатлараро муносабатларнинг ёмонлашувидан ўзга бирор бир яхшилик олиб келмаяпти, — деб ҳисоблайди **Олтиариқ районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг директори, халқ депутатлари Фарғона область Советининг депутати Эркин Тоҳиров.** — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам бераяпти. Республикада тартиб ўрнатиш учун аллақачон шундай Қонун қабул қилиниши керак эди. Митингбозлик етар, ҳаммамиз яхшироқ ишлашимиз, жамиятда тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни умумий куч-ғайрат ва меҳнат билан ҳал қилишимиз лозим.

Мана, бизнинг совхозимизни олайлик. Бу ерда 14 миллатга мансуб кишилар меҳнат қилади. Уларнинг ҳаммаси аҳил ишлаб, яшаб келмоқдалар. Улар орасида ҳеч қачон миллатлараро негизда можаро бўлган эмас. Ҳолбуки, бизда ҳам норасмий ташкилот аъзолари бор. Лекин мен, раҳбар сифатида улар билан тез-тез учрашиб тураман, биз ўткир бўлиб турган масалаларни хотиржам, ишчанлик билан, ортиқча ҳаяжонларга берилмай ва стихияли митингларсиз ҳал қиламиз.

Чиқарилган Фармон вазиятни нормаллаштиришга ёрдам бериши керак. Фақат шуниси ачинарлики, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бу Фармонни тартиббузарларга қарши қўллашда журъатсизлик қилишяпти.

— Биз, қишлоқ меҳнаткашлари республикадаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан қабул қилинган тадбирларни тўла қўллаб-қувватлаймиз, — дейди **Сирдарё область Комсомол районидаги «Москва» совхозининг директори Бойтемир Фролов.** — Бизнинг хўжалигимизни коллективнинг составига кўра ҳам, руҳиятига кўра ҳам чинакам байналмилал хўжалик деб дадил айтиш мумкин. Бу ерда ўзбеклар ва руслар, немислар ва корейслар, крим татарлари ва республикадаги кўпгина бошқа миллат вакиллари қўлни қўлга бериб меҳнат қилишмоқда. Душманлик нима эканини билмай, аҳил яшаб, ишлаб келмоқдамиз. Нимани ҳам талашардик, чўкичу белкуракларними?

Митинглар фақат ҳокимиятга интиладиганлар учунгина керак, лекин улар халққа қуруқ ваъдалардан бошқа нима бера олишади?

Биз шуни аниқ биламизки, ҳозир деҳқонларнинг, бутун меҳнат аҳлининг куч-ғайрати ўткир иқтисодий ва ижтимоий масалаларни тезроқ ҳал этишга қаратилиши лозим.

Н. ВАСЮХНОВА, Тошкент областидаги Чорвоқ экспедициясининг геодезисти: — Мен Чорвоқда катта бўлганман, кўз ўнгимда бўм-бўш ерлар — шинам уй-жойлар, музика ва умумтаълим мактаблари, дам олиш уйлари ва пионер лагерлари, йирик савдо комплекси бўлган обод посёлкага айланди. Ҳозирги кунда бу ерда Ўзбекистондаги йигирмадан ортиқ миллат вакиллари — Чорвоқ ГРЭСи ишчи ва хизматчилари, қурувчилар, геолог ва геодезистлар яшаб меҳнат қилишмоқда. Посёлка ёнгинасида Чорвоқ корхоналари ва ташкилотлари ишчилари учун дала уйлар шаҳарчаси жойлашган. Бу ерда ҳеч қачон қайси миллат бошчилик қилиши кераклиги тўғрисида гап бўлмаган эди — бундай гапсўзлар соғлом меҳнат коллективида кулгили ва бемаъни-дир.

Афсуски, ҳозир кўпгина митингларда бундай фикрлар тобора кўпроқ янграмоқда. Мен талашадиган ҳеч нарсамиз йўқ, деб ўйлайман. Аниқ-равшан ишларни бирга-ликда бажаришга киришиш керак, ҳатто мўъжазгина Чорвоқ посёлкасида ҳам бундай ишлар тўлиб-тошиб ётибди. Бизда, айниқса хотин-қизлар ўртасида ишсизлик муаммоси ўткир бўлиб турибди. Демак, бизга тикувчилик ва трикотаж корхоналарининг, асбобсозлик заводларининг кичик-кичик филиаллари керак. Улар экология жиҳатидан мусаффо ва айни вақтда кўп киши меҳнат қилишини талаб этадиган корхоналардир. Уйжой муаммосини тезроқ ҳал этиш керак, бунинг учун эса бизда меҳнат ресурслари ҳам, моддий ресурслар ҳам бор, деб ҳисоблайман. Маҳаллий хом ашёдан деворбоп материаллар тайёрлаш мумкин. Курорт иқлими бўлишига қарамай, бизда шифохоналар, пансионатлар, пионер лагерларида ҳамон жой етишмайди. Медицина ва савдо, маиший ва маданий хизмат кўрсатиш ёмонлигидан шикоятлар кўп бўлмоқда. Лекин митинг ёки кўча юришлари билан бу муаммони ҳал этиш мумкинми?

М. ҲАМРОҚУЛОВ, Самарқанд областидаги Фарҳод посёлка Совети ижроия комитетининг раиси: — Одамларни иш вақтида шаҳар ва қишлоқларимиз майдонлари ва кўчаларига чақираётганларни ҳеч қачон тушунолмасам керак. Бақириқ-чақириқ билан нимага эришиб бўларди? Шундай ҳам яхши яшаётганимиз йўқ, камчиликлар ҳаддан зиёд кўп. Лекин кимдир шу камчиликларни тузатиш учун далада, цехларда амалий иш қиляпти, кимлардир тилига зўр беряпти. Ваҳолонки, халқимизда ажойиб мақол бор: «ҳолва деган билан оғиз чучимайди».

Митинглар ва юришларнинг ташаббускорлари «ҳолва дейиш»дан бошқа яна нимага ярарди? Улар жазавага тушган оломон билан бирга қанча қарорлар қабул қилишмасин иш илгари силжимайди. Ишончим комилки, рухсат берилмаган митинглларда ҳар қалай иштирок этаётган оддий одамларнинг аксарияти майдонларда тўпланиш билан турмушимизни яхшилаб бўлмаслигини жуда тез фаҳмлаб оляпти.

Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони хотиржам ишлаш, фарзандларини вояга етказиш, нормал дам олишни истовчи барча кишиларга маъқул бўлди. Фақат мазкур Фармонга ҳамма жойда мумкин қадар қатъий риоя этилишига, бақироқларга эрк берилмаслигига эришиш лозим, холос.

К. БЕЛЯКОВ, Наманган область комсомол комитети идеология бўлимининг мудири:

— Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонлари ҳаммани ҳушёр қилиб, область ва республикалардаги вазиятни кўп жиҳатдан барқарорлаштиришга кўмаклашди. Бироқ биз кейинроқ хабардор бўлганимиздек, улар Бўка ва Паркентдаги воқеаларнинг олдини ололмади. Албатта, митинглар ва намойишлар ўтказиш юзасидан конституцияда кафолат берилган ҳуқуқларни ҳеч ким бекор қила олмайди. Лекин ҳеч ким болаларимиз хавфсизлиги, шахс ва уй-жойларнинг ҳар қандай тажовузлардан даҳлсизлиги тўғрисидаги умумий ҳуқуқимизни ҳам инкор этмайди.

Шунинг учун ҳам республика парламенти сессиясида халқ депутатлари бошқа муҳим масалалар билан бир қаторда сўз эркинлиги, митинглар ўтказиш ҳуқуқини камситмай туриб, Ўзбекистоннинг миллионлаб аҳолисига, ҳар бир оила ва хонадонга осойишталик, вазият барқарорлиги кафолатини бериш, ҳар биримизни миллатимиздан қатъи назар ҳимоя қилиш тўғрисида жиддий гаплашиб олдилар. Энди навбат амалий ишларга бўлиши лозим.

Қўқон меҳнат коллективлари йиғилишларининг протоколларидан айрим кўчирмалар:

Қўқондаги нефть қазиб олувчи корхоналар партия ва хўжалик фаолларининг йиғилишида сўзга чиққан инженерлар М. Абдураҳимов, Н. Аринушкин, болалар боғчасининг мудираси Ҳ. Эркабоева ва бошқалар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини ва республика Олий Совети I сессияси қабул қилган ҳужжатларни қўллаб-қувватладилар. Улар ҳозир меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидладилар. Ким бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай кишининг ҳуқуққа зид ҳаракатлари жазосиз қолмаслиги лозим. Қонун ҳамма учун мажбурий бўлиши керак.

30-ўрта ҳунар-техника билим юрти инженер-педагоглар коллективининг йиғилишида таъкидланганидек, қайта қуриш туфайли жамиятимиз кўп йиллардан буён биринчи марта сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий турмуш соҳаларида туб ислоҳотлар йўлидан, маънавий покланиш йўлидан бориш имконига эга бўлди. Лекин вазиятни беқарор қилишга уринаётган кучлар бор. Уларга қатъий зарба бериш керак.

Йиғилиш иштирокчилари барча даражадаги ҳукумат вакилларидан шу йўлни тутаётганларнинг демократияга қарши ҳар қандай ҳаракатларига ўз вақтида ва қатъият билан барҳам беришни талаб қилдилар. Улар шунингдек янги сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатларига мурожаат қилиб, республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишни сўрадилар.

Муқимий номли Қўқон давлат педагогика институти коллективининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан ўқитувчилар М. Мадалиев, Я. Дратва, А. Болтабоев ва бошқалар турмуш мамлакатимизнинг ҳар бир граждани олдига Ватан тақдирига муносабат тўғрисидаги масалани қўйганини, шахсий позицияга эга бўлишни, қайта қуриш умумхалқ ишига шахсий ҳисса қўшишни талаб этаётганини таъкидладилар. Вазиятни беқарорлаштиришга уринаётганлар билан муроса қилиб бўлмайди.

Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини ҳамда Олий Совет сессияси қабул қилган ҳужжатларни яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Сўз — тошкентлик педагоглар:— Республика ҳукумати вазиятни барқарорлаштириш юзасидан қабул қилаётган тадбирлар керак ва улар ўз вақтида кўрилган тадбирлардир,— деди Тошкентдаги 81-мактаб педагоглар коллективи йиғилишида педагог С. Салимова.— Айрим нотиқлар митингларда ҳаяжон билан сўзлаётган катта ижтимоий-иқтисодий муаммоларни фақат нормал, ишчанлик вазиятидагина ҳал этиш мумкин.

Тажрибасизлиги туфайли иғвогарона даъватларга учаётган ёшларимизни кўриб, хафа бўлиб кетасан, киши. Биз ўз мактабимизда бундай кайфиятларнинг вужудга келишига йўл қўймасликка интиляпмиз. Мактабда ўсмирлар билан мақсадга йўналтирилган тарбиявий ишлар олиб боришдан ташқари биз мактабдан ташқари фаолиятга, яшаш жойларида тушунтириш ишлари олиб боришга кўп вақт ажратяпмиз. Ноаҳил оилаларда бўлаяпмиз, ота-оналар билан учрашяпмиз, давра суҳбатлари уюштиряпмиз, тажрибали лекторлар, шифокорлар, ҳуқуқшуносларни таклиф этяпмиз. Бу ишлар ўз натижаларини беряпти — кейинги пайтларда бизнинг тарбияланувчиларимиз бирор марта ҳам тартиббузарлик қилишмади.

Тошкент районидаги қишлоқ мактабининг ўқитувчиси А. Баянов:— Шу кундаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳот, партияни ва жамиятни демократиялаш, бозорнинг номутаносиблиги ва экология танглиги каби муаммолар ҳар қанча муҳим бўлмасин, ҳозир ҳар қалай миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви энг ҳаяжонга солувчи, эҳтиросларни жунбушга келтирувчи мавзу бўлиб турибди. Телевидение ва радионинг ахборотномаларида мамлакатимиздаги оловли нуқталардан хабарлар берилишини ташвиш билан кутамиз, газеталардан дастлаб шу хабарларни ўқиймиз.

Бу кимни ташвишлантирмайди, дейсиз? Ахир одамлар — аёллар, қариялар, болалар ҳалок бўлишяпти, жабрланишяпти. Қон тўкилишини, талон-торожни, жиноятчиликни тўхтатишга уринаётганлар ҳам ҳалок бўляпти.

Минглаб, ўн минглаб одамлар саросимага тушиб, йиллаб тўплаган мол-мулкларини ташлаб, ўзларини нисбатан хавфсизроқ жойларга уришяпти, ваҳоланки у ерларда кўпинча улар учун дурустроқ уй-жой ҳам, иш ҳам йўқ. Худди уруш йилларида бўлганидек, мамлакатда қочоқларгина эмас, эвакуация қилинганлар ҳам пайдо бўлди. Тўсатдан миллати ғазабнок кишилар учун нишонга айланиб қолганлиги учун, шахсан ҳеч қандай айби бўлмаган одамлар ўзлари ўрганиб қолган жойлардан шошилинч тарзда олиб кетилди.

Нишонга ўз-ўзидан айланганмикан ёки совуққонлик ва шафқатсизлик билан эҳтиросларга туртки бераётганлар, вазиятни беқарорлаштиришга, янги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий муаммоларни вужудга келтиришга, ишончсизлик ҳиссини уйғотишга жон-жаҳди билан уринаётганлар томонидан атайлаб нишон қилиб танланганмикин? Бундай уринишлар натижасида одамлар янгича шароитларда ишлашни ниҳоят ҳис этадиган вақт ғоят сурилиб кетяпти.

Беқарорлаштирувчи кучлар қўллаётган усуллар ҳамма ерда бир хил. Булар, аввало, эҳтиросларни жунбушга келтиришга, жаҳлни чиқариб ақлни кеткизишга қаратилган «стихияли» митинглардир. Чунки фақат ғазаб отига миниб, ўйламай иш қиладиган оломон орасидагина ақл бовар қилмайдиган ёлғон гапларни тарқатиш мумкин. Осойишта вазиятда иқтисодиётни ур-йиқитлар ёрдамида юксалтириш мумкинлигига, турмуш даражасини ошириш учун уй-жойларга ўт қўйиш кераклигига, қаердадир йўл қўйилган адолатсизлик, содир этилган жиноят учун бунга сира даҳлдор бўлмаган қўшни жавобгар эканига ким ҳам ишонарди?

Республикада қабул қилинган тартиббузарликларнинг олдини олиш чоралари — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг кўча юришлари ва намойишларини вақтинча тақиқлаб, рухсат берилган митингларни фақат ёпиқ бинода ўтказиш билан чеклаб қўйган фармони жуда вақтида қабул қилинди. Агар бу фармон бажарилмаганида, ким билади, балки Бўка ва Паркентдаги оммавий ғалаёнларда анча кўпроқ одам беҳуда қурбон бўлармиди?

Мамлакатдаги ва республикадаги реал мураккаб муаммоларни, шу жумладан миллатлараро муаммоларни кўча юришлари, майдонлардаги намойишлар ва митинглар ёрдамида ҳал этиб бўлмайди. Бирор марта бўлсада намойиш бирор бир масалани тубдан ҳал этганини, ҳатто биргина одамга қандайдир ёрдам берганини эшитмаганмиз.

Вазиятнинг митинг орқали кескинлашувига эса кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Токи одамларни митингга яна тойиб кетиш мумкин бўлган йўлга бошлаш учун тўплашмаётганига амин бўлмас эканмиз, муваққат чеклашларни бекор қилиб бўлмайди. Мен бунга қаттиқ ишонаман ва бамайлихотир яшаш ва ишлашни истайдиган барча кишилар бу фикрга қўшилишларига аминман.

Сўз — машинасозларга: —

Митинглар фақат уларга рухсат берилган ва қаерда бўлиши аниқ белгилаб қўйилган тақдирдагина ўтказилиши мумкин, — дейишди Қўқондаги ««Электромаш» заводида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари. Стихияли митинглар ва юришларга, одатда, бунёдкорлик ва демократияга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган мақсадларни кўзловчи турли иғвогарлар ва ҳатто жиноятчи кимсалар қўшилиб олишади. Шунинг учун ҳам барча тартиббузарликларнинг дарҳол пайи қирқилиши лозим. Қайта қуриш ва демократияни қонун ёрдамида пухта ҳимоя қилиш зарур.

Маҳалладагиларнинг фикри шундай:

— Қайта қуриш одамлар фаровонлигини оширишда амалий самаралар бермоқда, — деди Қўқондаги 11-маҳалла аҳолиси йиғилишида маҳалла комитетининг раиси С. Мамажонов. — Масалан, шаҳримизда бу йил ўқувчиларга, қамқонликдан қийналаётган оналарга бепул овқат ташкил қилиш учун 1 миллион 200 минг сўм ажратилган. Шу маблағ ҳисобидан жамоат транспортида ўқитувчилар ва медицина ходимларининг бепул юришини ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

Ҳукумат одамлар фаровонлигини ошириш юзасидан жиддий ишлар қилаётган ҳозирги пайтда тажрибасиз ёшларни митингларга ва турли-туман юришларга жалб этишга уринаётган гуруҳлар бор. Ҳозир митингбозлик қилишнинг вақти эмас, бу қабул қилинган қарорларни амалга оширишга тўсқинлик қилади, холос.

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Ж. Рустамов, К. Ҳасанов, С. Холматов, Н. Ваҳобов ва бошқалар ҳам митинглар ва намойишлар ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги фармонни ёқлаб гапирдилар

Р. МИНҒБОЕВА, Гулистон медицина билим юрти директорининг ўринбосари: — Ҳамма яхши қабул қилган хореография программаси билим юртимизда «Наврўз» байрамини нишонлашнинг чўқиси бўлди. Мазкур программадан мамлакатимиз кўпгина халқларининг рақслари жой олди ва миллий байрам ўзўзидан байналмилал дўстликнинг чинакам намойишига айланди.

Кимлардир ҳали адоват уруғини сочишга уриняпти. Педагогларимиз коллективи ва талабалар ўртасида якдиллик билан маъқулланган фармон айни шундай кучларга қарши қаратилгандир.

Қилишимиз керак бўлган ишлар, ҳал этилмаган муаммолар бошимиздан ошиб ётган ҳозирги пайтда митингбозлик қилишнинг вақти эмас. Байрамни биргаликда нишонлаш эса бошқа гап. Ҳар қандай халқ байрами кишиларга яхши ижобий омил бахш этиши, яхшиликка ва фақат яхшиликка хизмат қилиши лозим.

Н. ПРОХОРОВ, Фарғона область газ бошқармаси ремонт устахонасининг токари: — Менинг Ўзбекистонга келганимга қирқ тўрт йил бўлди. Бу ўлкани, бу халқни яхши кўриб қолдим. Турли миллатга мансуб кишилар билан ёнма-ён ишлаганман. Лекин ҳеч қачон уларни миллатига қараб ажратиш фикри хаёлимга келмаган. Фақат яхши ва ёмон кишилар, ҳалол ва виждонсиз одамлар борлигини биландик, холос. Энди эса кутилмаганда...

Бизнинг жамиятимизда шундай ишлар бўлиши мумкинлигига ишонгинг ҳам келмайди. Эс борида этакни ёпиш керак. Иқтисодиётни мустаҳкамлаш, маданиятни ривожлантириш, ижтимоий-маиший масалаларни ҳал этиш учун бутун кучни ишга солиш лозим. Баъзилар эса бизни ҳамон митингларга даъват этишяпти, йўқ жойдан йўндириб миш-мишлар тарқатишяпти. Афтидан улар 1966 йилда Тошкент бошига кулфат тушганида бутун мамлакат, турли миллат кишилари ёрдамга келганини унутиб қўйган кўринадилар.

Бу кимсаларда одамларга нисбатан шунчалик ғазаб, шунча нафрат қаердан пайдо бўлган экан? Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони ўз вақтида, балки ҳатто бироз кечикиброқ қабул қилинган, деб ҳисоблайман. Шу билан бирга миш-мишлар тарқатганлик, миллатлараро ихтилофларга даъват этганлик, рухсат берилмаган митинглар ва юришларни уюштирганлик учун қаттиқроқ жазолаш лозим, деб ўйлайман.

Булар Ўзбекистон меҳнат коллективларидан ва аҳолисидан келган мактублар ҳамда телеграммаларнинг озгина бир қисми, холос. Уларнинг ҳаммасида Ўзбекистон ССР Олий Совети I сессияси ҳужжатларидан келиб чиқадиган хулосалар, республика Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартиби ва гражданлар хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон ССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги фармонлари қўллаб-қувватланган.

Мактубларнинг муаллифлари ва йиғилишларнинг иштирокчилари республика гражданларини иғвогарона даъватларга учмасликка, тартибга риоя этишга ва интизомни мустаҳкамлашга чақирмоқдалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан қонунбузарларни қаттиқ жазолашни талаб қилмоқдалар. Кўпгина мактубларда умумий хонадонимиздаги осойишталик тўғрисида ташвиш билдирилиб, Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликка риоя этиш юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар асосида тезроқ амалий ишга ўтиш илтимос қилинган.

Материалларни ЎзТАГ ҳузуридаги махсус матбуот группаси тайёрлаган.

Мунозара маданияти

Қуюшқондан чиқмайлик

Жумҳуриятимизда бутун мамлакатда бўлганидек, қайта қуриш мураккаб ва кескин даврни бошидан кечирмоқда. Ҳаммамиз бунга гувоҳмиз. Одамлар асло кечиктириб бўлмайдиган муаммоларнинг ҳал этилишини ўртага қўймоқдалар. Жамият ҳаётини тобора демократиялаштириш жараёни давом этяпти. Фикрлар хилма-хиллиги, ошкоралик, халқ оммасининг давлат ишларини бошқаришдаги иштироки, Коммунистик ва бошқа сиёсий партияларнинг, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ҳаракатларнинг тенг ҳуқуқларга эга бўлиши қарор топмоқда. Шундай шароитда мамлакатда, шу жумладан жумҳуриятимизда ҳам содир бўлаётган воқеалар ҳақида турли хил баҳоларни эштяпмиз, турлича муносабатларни кўряпмиз. Бу — табиийдир. Айтайлик, «Известия» газетасининг нашри— «Союз»да ҳам яқинда республикамиз ҳаётига оид, жумладан, пахта якказироатчилиги, Фарғона воқеаларига ва бошқа иқтисодий-ижтимоий муаммоларга тегишли қатор масалалар кўтарилди.

Бинобарин, ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди, деганларидек кўтарилган мавзуар муаллифнинг шахсий фикр-мулоҳазаси, тушунчаси, баҳоси доирасида ёритилган. Унга Фарғона область газетаси — «Коммуна» орқали муносабат билдирган муаллифлар ҳам ўз нуқтаи назарларидан келиб чиққанлар, албатта. Ҳар икки томон ҳам воқеаларга ўз таҳлиллари, ўйлари, кузатишлари, қўлларида мавжуд бўлган ахборот, далилу ашёлари, ечимлари асосида ёндашиб ҳақиқат қидиришга ҳаракат қилган. Бу ҳам табиийдир. Ҳозир баҳс, мунозара қилиш, мулоқотда бўлиш, турли нуқтаи назарларни фаол айтиш даври. Буни тан олишимиз, кўникишимиз керак. Лекин уни қандай амалга оширишни ҳам ўрганишимиз лозимга ўхшайди. Назаримизда бу соҳада ҳали тажрибамиз етишмаяпти, баъзан баҳс — айтишувга, мулоқот — ўзаро жангга айланиб кетаётир. Баҳс, мулоқот, мунозара давомида шахсни ҳақорат қилишга, уни камситишга ўтиб кетмаслик керак. Ахир қизиқконлик, ўринсиз ишлатилган бир оғиз сўз, имо-ишора, ҳаракат, мунозара баҳснинг кучини қирқиб, таъсирини пасайтириб, асосий мақсаддан чалғитиб юборади. Шу нуқтаи назардан қараганда «Коммуна»даги мақола муаллифлари, афсуски, бироз қуюшқондан чиқиб кетишган.

Ҳаётнинг паст-баландини кўрган, яхши-ёмонни бошидан кечирган одам сифатида, агар жоиз бўлса, икки оғиз гапирсак. Нотўғри фикрларни босиқлик, совуққонлик билан танқид қилиб, хатоларни ойдинлаштириб олган маъқул. Бусиз баҳс, мунозара бўлмайди, бусиз унга отланиш ҳам керакмас. Суюкли адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Юсуфбек Ҳожини кўз ўнгингизга келтиринг-а. Қандай мулойим, қандай дилбар, тил ифодаларига қанчалик эътиборли.

Муомалада гап кўп, у дид кўприги, келинг, мантиқ билан ақлни пешлаб, баҳс, мунозара, мулоқот маданиятини биздан ўрганадиган даражада иш юритайлик. Ишончимиз комилки, биз бунга қодирмиз.

С. СОБИРЖОНОВ,
М. МИРҲОЖИЕВ,
уруш ва меҳнат ветеранлари.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкент олий партия мактабининг партия, совет ва мафкуравий кадрлар малакасини ошириш факультетида Тожикистон ССР, Туркманистон ССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари қишлоқ район Советлари ижроия комитетлари раислари ўринбосарларининг таълим курси ниҳоясига етди.

Машғулотларда тингловчиларнинг эътибори аввало сиёсий системани тубдан қайта қуришнинг, халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимиятини таъминлашнинг, жамиятни янгилашда инсон омилини кучайтиришнинг, қишлоқ районларини иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришни бошқариш воситаларини такомиллаштиришнинг, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси, СССР халқ депутатлари съездлари талаблари асосида миллатлараро муносабатларни янада яхшилашнинг долзарб масалаларини ўрганишга қаратилди.

Гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтказилган суҳбатларда КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури лойиҳасида баён қилиб берилган назарий қоидалар, сиёсий хулосалар ва амалий масалалар батафсил кўриб чиқилди.

Таълимнинг амалий йўналишини кучайтириш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларини муҳокама ва таҳлил қилишга катта эътибор берилди. Давра суҳбатлари деб аталган учрашувлар ва суҳбатларда маданиятнинг аҳволи ҳамда уни ривожлантириш ва жамиятни маънавий жиҳатдан бойитиш йўллари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масалалари, ёшларга таълим ва тарбия беришнинг бутун системасини янгилаш муаммолари регионни экология жиҳатидан соғломлаштириш масалалари, қишлоқ аҳолисида илмий дунёқарашни тарбиялашда маданият муассасаларининг аҳамиятини ошириш йўллари таҳлил этилди.

Махсус гуруҳ машғулотлари маҳаллий Советларнинг, уларнинг ижроия комитетларининг амалий фаолиятларига доир вазият билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишга бағишланди. Ҳужжатлар ижросини назорат этиш, кадрлар билан иш олиб боришнинг автомат системаларини яратишнинг вазифаларини ҳал қилиш учун шахсий электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш юзасидан амалий машғулот ўтказилди.

Тингловчилар Тошкент областининг Оржоникидзе ва Чиноз районларида ўтказилган сайёр машғулотларда район Советлари ижроия комитетларининг ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга, қишлоқда турмушни қайта қуришга доир тажрибаси билан танишдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг бир қанча министрлик ва идораларининг раҳбарлари, Тошкент олий партия мактаби ва Тошкентдаги баъзи олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари тингловчилар ҳузурида сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

ЛИБЕРАЛ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯ ТУЗИЛДИ

МОСКВА, 31 март. (ТАСС мухбири В. Зенькович). Бугун Русаков номидаги маданият уйида Совет Иттифоқи Либерал-демократик партиясининг таъсис съезди бўлиб ўтди. Гарчи СССР Олий Совети партиялар тўғрисида қонун қабул қилмаган бўлсада, СССР Конституциясига март ойида киритилган тузатишлар кўп партиялиликка йўл очди.

Съездда мамлакатдаги либерал-демократик ташкилотларнинг қарийб уч минг аъзоси номидан 215 делегат рўйхатдан ўтди. Улар орасида Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Болтиқбўйи ва Кавказорти республикаларидан вакиллар бор. Съезд қатнашчилари партиянинг 12 кишидан иборат марказий комитетини сайладилар, ана шу сиёсий ташкилотнинг устави ҳамда программасини қабул қилдилар.

Программада қонуннинг устунлиги, кўппартиялилик, иқтисодиётнинг кўп укладлилиги, шунингдек хусусий мулкнинг ошкоралиги, барча давлат ташкилотларининг мафкурадан ташқарида бўлиши баён этилади.

ЛДП ташқи сиёсатда СССРнинг бетараф деб эълон қилинишини ёқлаб, мамлакатнинг бирон-бир ҳарбий уюшмада иштирок этишига қарши чиқади.

— ЛДПнинг асосий мақсади — мафкурадан ташқари бўлган ҳуқуқий давлатни барпо этишдан иборат, — деди партия раиси, 42 ёшли ҳуқуқшунос В. В. Жириновский. — Мамлакатда кўплаб жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари бўлиб, уларнинг қарашлари бизга яқиндир.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

МАЖЛИСЛАР КУНДАЛИГИ

(Давоми. Бошн иккинчи бетда).

Баъзи депутатлар республика Мудофаа министрлиги жорий этилишини таклиф қилишмоқда. Мен бу фикрга қаршиман, лекин Президент илғор фикрловчи касби-кори ҳарбий хизматчи бўлган мутахассислардан ҳарбий маслаҳатчига эга бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Раиси **Ш. З. Ўразаев** минбарга чиқади:

— Ушбу масала муҳокама қилинишининг ўзи — янги иш. Иттифоқдош республика СССР Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ ўзининг олий органи орқали қонун лойиҳаларини таклиф қилади. Бинобарин, муаммо шу даражада муҳимки, ҳеч ким бу масалага бефарқ қарай олмайди, чунки ҳар бир оилада армияда хизмат қилиши керак бўлган болалар бор. Қуролли Кучларга моҳият эътибори билан йигитчалар боришади. У ерда, ўзлари кўникмаган оғир шароитда турли хил бузилишлар, ҳатто жиноятлар ҳам бўлади. Бу ерда мамлакатимизда армияга қарши кайфиятлар кучаяётганлиги ҳақида гапирилди. Биз уни ҳис қилиб турибмиз. Эҳтимол, бунда бизнинг ҳам айбимиз бордир. Агар биз ушбу минбардан туриб, минг марталаб армияни севишга чақирган тақдиримизда ҳам, фақат биттагина нотўғри ҳаракат, битта жиноят, армиядаги битта салбий воқеа бутун айтганларимизни йўққа чиқаради.

Менда аниқ-равшан таклифлар бор. Эътиборга молик масалаларни умумлаштириш ва уларни Ўзбекистондан сайланган СССР халқ депутатларига бериш керак. Токи улар ушбу таклифлар Олий Советда рўёбга чиқарилиши учун курашсинлар. Армияда хизмат қилиш тўғрисидаги Қонун иттифоқ миқёсида ишлаб чиқилиши керак. Биз бу ерда ҳозир мавжуд бўлган иттифоқ қонунига тузатишлар кирита олмаймиз, фақат СССР Олий Совети бундай қилиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон АССР халқ таълими министри, депутат **Ж. Бозорбоев** (486-Қораўзак сайлов округи) ўз нутқида бундай деб таъкидлади:

— Армиядагина эмас, бошқа жойларда ҳам интизомнинг йўқлиги бутун системамизнинг қулфатидир. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида содир бўлаётган ишкалликларнинг сабаби ҳам шунда. Шу маънода армия жамият кўзгусидир.

Армия — бизнинг ифтихоримиз, у бизни фашизм вабосидан қутқарди. Ҳозирги кунда унинг олдида катта муаммолар турибди. Армияга кузатиш чинакам тантанага айланишини, бир ҳафта хат келмаса — ташвиш, эсон-омон қайтиб келинса бахт бўлишини такрорлаб ўтиришнинг ҳожати бормикан.

Йигитларимиз «оқсоқолчилик» иллатидан азият чекмоқдалар, безорилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ҳолларидан шикоят қилишмоқда. Бунинг натижаси эса — қочоқликдир. Қорақалпоғистонлик 80 нафар йигит армиядан қочган. Энди улар интизом йўли билан жазоланадилар.

Ёшларни армия хизматигагина эмас, умуман ҳаётга тайёрлаш керак. Берунийнинг сўзлари ёдга келади. У менга ёшларни кўрсатсангиз мамлакатингизнинг эртаси қандай бўлишини айтиб бераман, деган эди. Ҳозирги ёшларга оилада ҳам, мактабда ҳам, маҳаллада ҳам эътибор етишмайди. Муаммоларга тўла катта шаҳарлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Тарбия масаласига муносабатни ўзгартириш керак, барча идоралар, ташкилотлар, оилалар, ҳар бир инсон ана шунда яшириниб, ўзини оқлаётган фарзандларимиз республикада хизмат қилишга қолдирилиши тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлайдилар. Мен ўзим ана шундай қўшинларда хизмат қилганман. Бундай қўшинлар, дангал қилиб айтадиган бўлсак, армия ҳам эмас.

Бошқа кишига нисбатан ёвузлик қилишга, уни хўрлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бировнинг ҳаётига, бировнинг мулкига ҳеч ким тажовуз қила олмайди. Биз, мусулмонлар, қурилиш батальонларидаги барча жангчилар ўзимизда хизмат қилишларини талаб қиламиз. Уларнинг шароити ҳам, иши ҳам, бу ерда минг марта яхши бўлади. Халқимиз бу ҳақда ғамхўрлик қилади. Бундан ташқари, нима учун профессионал армия тузиб, ҳарбий хизматчиларга ҳақ тўлаш мумкин эмас? Бутун дунёда шундай қилинянти-ку, ахир?

Ёшларимиз тарбиясини яхшилаш учун ҳали кўп ишларни қилишимизга тўғри келади.

Сайланган министрлар бир нарсани: инсон, халқ ишончи — бу олий шараф эканини унутмасликларини сўрайман. Ҳар бир киши ўз зиммасига олган мажбуриятни бажариши, ўз сўзининг устидан чиқиши керак. Тоғ-тоғ олтинларни ваъда қилмай, қўлимиздан келган ишлар тўғрисидагина гапирайлик.

Наманган областидаги «Уйчи» колхози комсомол комитетининг секретари депутат **К. М. Қамбаров** (265-Уйчи сайлов округи) муҳокама қилинаётган масала аҳамиятини таъкидлаб, шундай деди:

— Ҳамма биз қандай қарор қабул қилишимизни кутиб турибди. Бироқ, қурилиш батальонлари жангчиларининг республикада хизмат қилиши тўғрисидаги масала дарҳол ҳал этилмаса керак. Буни ҳамма тушуниши лозим.

Биз, наманганлик депутатлар гуруҳи, шунингдек жамоат ташкилотларининг вакиллари ташвишли сигналлар тушган 29 та ҳарбий қисмда бўлдик. Батафсил тўхталиб ўтилмай, интизом яхши эмаслигини, солдатлар тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилинмаслигини, бу эса «оқсоқолчилик» иллатига, баъзан эса жиноятларга олиб келишини айтаман.

Фақат соғлом болаларни хизматга юбориш, армияга чақирилувчиларни танлайдиган врачларнинг масъулиятини ошириш зарур. Маълумки, агар врач соғлом кишини қолдирса, уни жазолайдилар, борди-ю, касал йигитни хизматга йўлласа бунинг учун ҳеч ким жавоб бермайди. Натижада саломатлиги заиф йигит ногирон бўлиб қайтади.

Ҳозирги кунда қурилиш батальонларидаги хизмат меҳнат жазосидан ҳеч бир фарқ қилмайди. Бахтсиз ҳодисалар ва жиноятларнинг кўпи айнан шу қисмларда содир бўлади. Шунинг учун ҳам мудофаа министрлигига бўйсунмайдиган ҳарбий қурилиш отрядларини ҳеч кечиктирмай қисқартириш зарур.

Уставга зид муносабат учун совет қонунларига қатъий амал қилган ҳолда жазони кучайтириш керак, деб ҳисоблайман. Одам ўлса-ю, командирга фақат ҳайфсан беришса ёки ишидан пасайтиришса, буни маданий давлатда тўғри деб бўладими, ахир?

Жойлардаги чақириш пунктлари, ҳарбий комиссариатлар мақоми ва ҳуқуқларини ошириш керак. Шундай бўладики, районда йигитни армияга чақирилмасин деб ҳисоблашса, областда бу фикрга эътибор ҳам бермайдилар. Чақириш комиссияларининг ишига маҳаллий Советлар депутатларини фаолроқ жалб этиш зарур.

Андижон область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири депутат, **Б. У. Иўлдошев** (138-Бўз сайлов округи) шифокорлар фикрини изҳор этди:

— Мен армияда фақат соғлом йигитлар хизмат қилиши керак, деган фикрга қўшиламан. Республикамиздан эса баъзан касаллар жўнатилади. Бунинг сабаби шундаки, шифокорлар амал қилиши керак бўлган буйруқ бор. Бу буйруқда саломатлиги заиф, жанговар ҳарбий хизматга яроқсиз бўлган кўпгина йигитларни қурилиш батальонларига йўллаш кўрсатилган. Бундай ҳолларда шифокорларнинг ҳеч нарсага қурби етмайди. Чақирилувчиларни қурилиш батальонларига йўллаш тўғрисидаги буйруқни қайта кўриб чиқишни таклиф этаман.

Иккинчи таклифим: ҳар йили ҳарбий комиссариатлардаги ишга минглаб шифокорлар жалб этилади. Уларнинг таркиби ҳар йили янгиланиб туради. Бунда баъзан шифокор беморнинг аҳволини аниқлай олади, баъзан эса замонавий диагностика аппаратлари йўқлиги туфайли бунга муваффақ бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бундай комиссияларни доимий, штатдаги комиссияларга айлантиришни таклиф этаман. Бу эса, шубҳасиз, уларнинг савиясини ва масъулиятини оширади.

Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари депутат **М. П. Холбоев** (343-Термиз сайлов округи) ўз нутқида бундай деди:

— Мен ўзимдан аввалги нотиқларни диққат билан тингладим. Лекин депутатларнинг кўпчилиги, менимча, ҳарбий хизмат нималигини ва интизом нималигини билишмайди. Областда биз кўпинча ҳарбийларга мурожаат қилишимизга тўғри келади. Биз уларнинг қийинчиликларини, офицерлик ишининг ўзига хос хусусиятларини кўриб турамиз. Сўзга чиқишдан аввал масаланинг моҳиятини тушуниш керак!

Бошқа томондан қараганда — мен ўз мундири шарафини ҳимоя қилишга уринган Г. Г. Кондратьев нутқидаги барча фикрларга қўшила олмайман. Қурилиш батальонлари республикада тузилиши ва унинг территориясида ишлаши керак. Сиз прапоршчиклар ва офицерларга квартиралар етишмаслиги тўғрисида ҳам гапирдингиз. Маълумотингиз учун кейинги вақт ичида биз маҳаллий Советлар ҳисобидан минглаб квадрат метр уй-жойни ҳарбий хизматчиларга берганимизни хабар қиламан.

Бир масала тўғрисида ҳам жим тура олмайман: 1990 йилда биз «Арсенал» рейдини ўтказдик. Рейд чоғида омборлардан ташқарида, граждан шахслар қўлида ўқдорилар, зирҳли камзуллар борлигини аниқладик. Қуролярог ўлда-жўлда сақланиб, тасодифий кишилар қўлларига тушиб қолса бу қандай армия интизоми бўлди? Сурхондарё ёвуз, жиноий режаларни ўртага сураётган кимсаларни қурол-яроғлар билан таъминловчи ўзига хос базага айланиб қолди. Ҳарбийлар бунинг учун Президент олдида жавоб беришлари керак.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бўлим мудири депутат **К. Х. Баҳриев** (327-Қуйиқишлоқ сайлов округи) нутқидан:

— Гарчи залда ҳарбий мутахассислар кам бўлсада, аммо биз армия муаммоларига аралашмай қололмаймиз, чунки у ерда бизнинг фарзандларимиз хизмат қилишади. Биз ўғлонларимиз армиядан соғ-саломат қайтиб келишини кутамиз.

Баъзи ҳарбий мутахассисларнинг бир қолипда фикрлаши бизни ажаблантиради. Илгари судланганларни армия хизматига юбормасликни таклиф этаман.

Фавқулодда вазият пайтида қўшинларни киритиш армиянинг обрўйини кескин туширириб юбормоқда. Жамоат тартибини қўриқлашни армия зиммасига юкламасдан, милицияни кучайтириш керак.

Ички қўшинлар ихтиёрий бўлиши лозим. Бирорта ҳам она ўз фарзанди бошқа регионлардаги можароларни тинчитиш учун жўнаб кетишини истамайди.

Армияга чақириш пунктларида, ҳарбий комиссариатларда тартибни йўлга қўйиш зарурлиги тўғрисидаги фикрга қўшиламан.

Ғузор район марказий касалхонасининг бош врачи депутат **С. Р. Сафарова**нинг (209-Ғузор сайлов округи) нутқи ғоят жўшқин бўлди:

— Армияга чақириладиган ёшларнинг саломатлиги муаммоси ғоят муҳимдир. Шунинг учун шифокор сифатида бу ҳақда гапирмай қололмайман. Биздаги кўпгина ёшларнинг саломатлиги яхши эмаслигидан қайғураман. Биз, шифокорлар, касалликнинг сабабини эмас, балки асоратини даволаймиз. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар, болаларнинг ўсишидаги камчиликлар, оналик ва болалик, оила масалаларига суст эътибор берилаётганлиги фарзандларимизнинг саломатлигига таъсир қилмоқда. Агар шифокорлар йигитларни армия хизматига танлашда қатъий диагностикага асослансалар, деярли кўпчилик йигитлар саломатлиги яхши эмаслиги сабабли армия хизматига яроқсиз деб ҳисобланган бўлур эди. Менинг фикримни тўғри тушунишингизни сўрайман, бу ахир ўлкамиз, халқимиз фожиаси эмасми?

Бу ерда сайланган ҳар бир министр камчиликларга барҳам бериш учун ўзининг фаолият соҳасида ишларни тўғри изга солиши ва виждонан меҳнат қилиши лозим. Болаларга емиш, кийимкечак, оддий дафтар етишмаётганини нормал ҳол деб бўладими? Биз амалий иш билан шуғулланиш ўрнига кетма-кет қонунлар чиқарамиз. Болалар саломатлиги учун арзон маҳсулотлар, тоза сув зарур, табиатни заҳарлашга чек қўйиш керак. Акс ҳолда болалар қандай қилиб соғлом бўлади?

Самарқанд область Оқдарё район Болта қишлоғидаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси, депутат **О. Ж. Маматова** (290-Янгиқўрғон сайлов округи) бундай деди:

— Сайловчиларнинг кўпчилиги армиядаги салбий ҳодисалар тўғрисида маълум қилишмоқда. Улар ўз хатларида кўпинча фожиали воқеалар ҳақида ёзишмоқда, бу эса кишини ташвишга солмай қололмайди.

Мамлакатимизнинг ҳар қандай ерида отилган ўқ товуши энг аввало она қалбига тегади. Оналар, опа-сингиллар, келинглар, қизлар номидан иттифоқ ва республика ҳарбий комиссариатларига мурожаат қилиб, уларни фарзандларимиз, ака-укаларимиз ва эрларимизни ўз фарзандларидек авайлаб-асрашга чақираман, агар сиз бундай қилмасангиз, халқ кечирмайди.

Қарор лойиҳасига қўшимча киритишни хоҳлайман: ҳалок бўлганларнинг оиларига бир йўла нафақа тайинлаш керак, деган сўзлардан сўнг «армиядан ногирон, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қайтган кишиларга пул нафақаси тўлансин» деган сўзларни қўшиб қўйиш керак.

• Ўзбекистон ва жаҳон

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

АМЕРИКАЛИК МУТАХАССИСЛАР ТОШКЕНТДА

Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги дўстлик алоқалари йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу биродарлашган Тошкент ва Сиэтл шаҳарлари ўртасидаги муносабатларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Шаҳар Совети ижроия комитетининг таклифига биноан АҚШ мутахассислари бир группаси Тошкентга келди. Бу сафарни «Организэйшен Дэвэлопимэнт Нэтворк» ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш уюшмаси ташкил этган. Мутахассислар орасида ҳозирги замон корхоналари, илмий муассасалари, қурилиш ташкилотлари фаолиятини бошқарувчи менежерларга яқиндан назарий ва амалий ёрдам қўрсатувчи ижтимоий фанлар магистраллари, фалсафа докторлари, юқори малакали ходимлар бор. Улар Сиэтлдаги турли корхоналар ва муассасаларда ишлайдилар. Меҳмонлар гуруҳига ижтимоий фанлар магистри Миллард Мотт бошчилик қилмоқда. У киши Вашингтон штати бизнесменлик таълими халқаро мактаби президенти бўлиб, мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Жаноб Миллард Мотт. Сиз бизнесменлик мактабига раҳбарлик қилишдан ташқари яна қандай юмушлар билан шуғулланасиз?

— Мен асосан психология ва социология фанларининг замонавий методларидан оқилона фойдаланган ҳолда корхоналарда ва муассасаларда ишлар самарадорлиги, унумдорлиги ва сифатини яхшилаш масалалари бўйича корхоналарнинг раҳбарларига маслаҳатчилик қиламан. Ўйлайманки, сизнинг мамлакатингизда қизғин бораётган қайта қуриш ишларида ана шундай маслаҳатчилиқка эҳтиёж бор.

— Сиз бошчилик қилаётган мутахассислар гуруҳининг сафари қандай мақсадларни кўзлаяпти?

— Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқи ҳукуматининг халқаро миқёсда олиб бораётган сиёсати туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро тушуниш ва яхши қўшничилик муносабатлари йил сайин яхшиланиб бормоқда. Ана шунинг учун ҳам биз америкалик мутахассисларда сизнинг мамлакатингизда ҳозирги пайтда олиб борилаётган барча янгиланиш ишлари қизиқиш уйғотмоқда. Бу сафарни ташкил этишдан мақсад ҳам сизнинг диёрингиз корхоналари ва муассасалари фаолиятини жонлантириш учун мутахассисларга яқиндан ёрдам бериш, йўл-йўриқлар кўрсатиш, маслаҳатлар беришдир. Бизнинг фаолиятимизда инсон омили биринчи ўринда туради. Биз ана шу фазилатни қанчалик ўринли такомиллаштира олсак ишда ва меҳнатда, албатта, унум бўлади, фаолият такомиллашади. Биз ўз ишимизда психология ва социал фанларнинг энг сўнгги ютуқлари асосида иш олиб борамиз. Бундан ташқари ҳар икки мамлакатимиз корхоналари ўртасида ҳамкорлик фикрлари туғилса, биз бу ишга яқиндан ёрдам берамиз, савдо-сотиқ ташкилотлари ўртасида амалий мулоқотлар ўтказамиз ва бу борада воситачилик ҳам қиламиз.

— АҚШ мутахассислари Тошкентдаги қайси корхоналарда бўлиш ниятидалар?

— Биз бир неча кунлик сафар чоғида Тошкент метро қурилиши, аэрофлот, ядро физикаси, «Технолог» бирлашмаси, тўқимачилик комбинати сингари кўплаб корхоналарда бўламиз. Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатасида бўлган суҳбатларимиз ғоятда фойдали бўлди.

— Ҳурматли Миллард Мотт. Демак, сиз ҳозирги пайтда асосан менежерларга яқиндан ёрдам кўрсатадиган мутахассис эксансиз. Бу борада сизлар ўзбек мутахассисларига қандай кўмаклашасизлар.

— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш институтининг психология кафедраси мудири Алишер Файзуллаевни Америкага таклиф қилган эдик. Ўзбек олими бир ярим ой мобайнида мамлакатимизнинг ўн тўртта штатида ана шу ихтисосликни ўрганишга ҳаракат қилди. Ўз ишига ғоятда қизиқувчи ва интилувчан мутахассис. У қисқа вақтда бир қатор билим даргоҳларида ва корхоналарида керакли юмушларни ўрганди. Бундан ташқари ўзбек мутахассисларидан бир гуруҳи яна ана шу мақсадда АҚШга таклиф этилган

— Тошкент шаҳри ҳақида сизнинг дастлабки таассуротларингиз!

— Мен учун Тошкент ғоятда қардрон бўлиб қолган шаҳар. Бу ерда тўртинчи бор бўлишим. Бундан икки йил муқаддам шаҳрингизда биродарлашган Тошкент ва Сиэтл шарафига бунёд қилинган Тинчлик боғини қуришда шахсан ўзим қатнашганман. Бу ерда жуда кўп яқин дўстларим бор. Мен улар билан доимо мароқли ва дўстона гаплашаман. Умуман айтганда, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларимиз яхшиланаётганини мамнунлик билан қайд этиш мумкин.

А. ПЎЛАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ғани Турсунович РАСУЛЕВ

Ўзбекистон телевидениеси ва кино санъати оғир жудоликка учради. Ўзбекистон телевидениесининг кашшофларидан бири, Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг котиби Ғани Турсунович Расулев ҳаётдан кўз юмди.

Ғ. Т. Расулев 1935 йилда Тошкентда туғилди. 1957 йилда В. И. Ленин номли Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг филология факультетини тугатди. Тошкент телевидение студиясида муҳаррир, катта муҳарир, бош муҳаррир бўлиб ишлади. Йигирма йилга яқин директор, бадиий раҳбар ва бош муҳаррир сифатида «Ўзбектелефильм» студиясига бошчилик қилди. У Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг котиби эди.

Коммунист Ғ. Т. Расулев ўзининг самарали муҳаррирлик, ташкилотчилик ишларини ижод билан бирга муваффақиятли қўшиб олиб борди. У «Сувдаги лолалар» ҳикоялар тўпламининг, «Ҳар куни шамол», «Шиддатли тўлқинлар», «Эски трактор», «Шеробод қизлари», «Қуйла, Санобар», «Самарқанд» ва бошқа кўплаб бадиий ҳамда ҳужжатли телефильмларнинг муаллифи эди.

Ғ. Т. Расулев ўзбек телевизион киносининг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшди. «Ўзбектелефильм» студиясининг асосчиларидан бири бўлган Ғ. Т. Расулев телевизион кино истеъдодли санъаткорларининг авлодини тарбиялашга фаол кўмаклашди, жумҳуриятимиздан ташқарида ҳам бағри кенг мураббий, тажрибали сафдош сифатида чинакам обрў-эътибор қозонди.

У «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотини олган эди.

Ўзбекистон телевидениесининг таниқли арбоби, истеъдодли кинематографчи, яхши инсон ва ҳалол ўртоғимизнинг ёрқин хотираси уни билган барча кишилар қалбида бир умр сақланади.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

Реклама ва эълонлар

ЙИГИТЛАР, ҚИЗЛАР!

Уч кун ичида бутун Ўзбекистонга танилишни, миллионлаб мухлислар орттириб, турли мукофотлар совриндори бўлишни, «ойнаи жаҳону», газета мухбирлари диққатини тортишни истайсизми?..

УНДА ШОШИЛИНГ!

Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Қўмитаси «ЕШЛАР УИИ», Ўзбекистон маданият фонди, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси ўтказажак

«НАФОСАТ—90»

ШАРҚ МИЛЛИЙ РАҚСЛАРИ БЕЛЛАШУВИДАН КЕЧ ҚОЛМАНГ.

Унда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган барча йигит-қизлар иштирок этиши, ўзининг омадини синаб кўриши мумкин. Конкурснинг ғолибаси ва ғолиби Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлигига тавсия этилиб, жумҳуриятнинг бош санъат кошонаси В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари Дўстлиги саройи саҳнасида минглаб томошабинларга ўз маҳоратини намойиш қилиш шарафига муяссар бўлади.

Батафсил маълумотлар олиш учун Тошкент шаҳри, «Пахтакор» кўчаси, 5-уй, 205-хонага мурожаат қилишингиз мумкин. Телефон 41-45-20.

Н. И. Вавилов номидаги Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ **вакант вазифаларга**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кичик илмий ходимлар: мактажўхори ва полиз экинлари бўйича.

Конкурс муддати — 8 апрелгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 702134, Тошкент вилояти, Оржоникидзе райони, «Ботаника» бирлашмаси.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

17, 18, 19 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ва 20.00 ДА

«Камолот-89» конкурсининг ғолиблари

МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ ВА ОХУН МАДАЛИЕВ ИШТИРОКИДА

«ДЎСТЛАР КУЙЛАГАНДА ВА КУЛДИРГАНДА»

КОНЦЕРТИ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-93-63, 44-18-12.

ГАЗЕТХОН:

ХАБАР ҚИЛАДИ

БИРЛАШГАН ЎЗАР

◆ Фрунзе ноҳиясидаги 2-стоматология поликлиникаси намунали шифохоналардан бири. Тажрибали шифокор Асқар Ҳожиакбаров бир неча йилдирки унга бошчилик қилиб келаётир. Поликлиника ноҳиядаги барча корхона, 2 та олий ўқув юрти ва бошқа муассасаларга хизмат кўрсатаётир.

Аҳоли ўртасида кенг профилактика иши олиб бораётган бош шифокор ўринбосари А. Нўъмонов, бўлим мудирлари М. Мўминова, О. Авездурдиев, Ф. Бородина, шифокорлар У. Раҳимова, Н. Мадаматов, Э. Казиева ва бошқаларнинг фаолиятлари мақтовга лойиқ. Бу ерда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек меҳнат қилмоқдалар.

А. БОБОЕВ,
меҳнат ва уруш ветерани.

...МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ

ТАЪЗИМДАМАН

◆ Ўн йилдан бери ошқозон, жигар ва буйрак хасталиклари менга азоб бериб келарди. Қарши шаҳрида уч бор жарроҳлар қўлига тушдим. Барибир яхши бўлмадим. Мана, тўрт йилдирки Тошкент шаҳридаги медицина институтининг 1- ва 2-клиникаларида даволандим. Шу йиллар давомида профессор Каримулла Баҳодиров, шифокорлар Носир Мирюнусов, Лазиза Матмуродова, Саноат Маъмурова, Гулжаҳон Каримова, Абдужаббор Ҳожиметов ва бошқалар менга меҳр билан қарашди. Мен саломатлик посбонларига таъзимдаман.

П. БОЗОРОВ,
1-гуруҳ ногирони, Қарши шаҳри.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг жумҳурият телевидениеси жамоаси «Аҳборот» кўрсатувларининг маданият масалалари бўйича шарҳловчиси

Боқибилло КАРИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тупроқшунослик ва агрохимия институти жамоаси катта илмий ходим, партия ташкилоти котиби М. Насриддиновга онаси

Боғдагул МАТХОЛИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР «Медицина» нашриёти жамоаси нашриётнинг мамъурий-хўжалик бўлими мудири

Фаттоҳ ҚОДИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти нозирлиги жамоаси Андижон автокомбинатининг директори

Баҳодир Раҳматович ПАРПИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот нозирлиги жумҳурият миқёсидаги шахсий пенсионер, 1943 йилдан КПСС аъзоси

Раим БЕРДИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Сейсмологик институти жамоаси лаборатория мудири, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Р. Иброҳимовга қизи

Малика ГАШАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

ЧАВАНДОЗЛИК:

ОТ ЎЙНАТИБ

● Термиз отчопарида касаба союзлари кўнгилли физкультура-спорт жамияти республика Совети кубоги учун мусобақа ўтказилди. Дала синови машқлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ш. Абдуллаев ўз аргумоғи билан мусобақа шартларини муваффақиятли бажарди. Термизлик В. Чикалин билан урганчлик Ш. Бекжонов иккинчи ва учинчи ўринларни олишди. Ғовлардан ошишда тожикистонлик С. Мицура зафар қучди. Учкураш бўйича бухоролик Х. Аҳмедов баҳсга пухта ҳозирлиқ кўрганлигини намойиш этди. От ўйнатишда термизлик С. Петровага ҳеч ким бас келолмади. Команда ҳисобида Сурхондарё, Бухоро ва сирдарёлик чавандозлар фахрли ўринларни эгаллашди.

БОКС:

КУМУШ ВА ОЛТИН

● Қирғизистон пойтахтида ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида 242 нафар боксчи иштирок этди. Ўзбекистонлик 30 нафар боксчидан икки киши мукофотли ўринни эгаллади. 48 килограмм вазнли андижонлик Зокир Ботиров иккинчи ўринни эгаллаб, спорт мастери бўлди. Фарғоналик В. Буркин (75 кг) ғолиблик супасига кўтарилиб, олтин медаль олди.

ФУТБОЛ:

ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВЛАР

● Кеча биринчи лига коллективлари ўртасида дастлабки учрашув ўтказилди. Тираспольнинг «Тирас» ва Бокунинг «Нефтчи» коллективлари майдонга тушдилар. Бугун «Таврия» — «Зенит» коллективлари учрашадилар. Пахтакорчилар мавсумга тайёргарликнинг якунловчи учрашувини Фрунзеда «Олга» коллективи (1:1) билан ўтказишди. Футболчиларимиз мавсумнинг дастлабки ўйинини сафарда 7 апрель куни «Зенит» командаси билан ўтказадилар.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04184. №-78. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12